



Қонунчилик ва ҳуқуқ-тартибот учун!

Поётга

ГАЗЕТА 1930 ЙИЛ 12 МАЙДАН ЧИКА БОШЛАГАН • Ўзбекистон Республикаси ИИВ нашри • 2004 йил 16 декабрь, пайшанба • 51 (3579)-сон

БИТИМ ИМЗОЛАНДИ, ҲАМКОРЛИК ДАВОМ ЭТАДИ


Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисида бўлиб ўтган давра суҳбатида ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари фаолиятида инсон ҳуқуқларини таъминлаш масалалари муҳокама қилинди. Шунингдек, Олий Мажлиснинг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (омбудсман) ва республика Ички ишлар вазирлиги ўртасида инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини таъминлаш ҳамда ҳимоя қилиш борасида ҳамкорлик тўғрисидаги Битимнинг тақдимот маросими ҳам бўлиб ўтди.

(Давоми 2-бетда).



УШБУ СОНДА:

ДУНЁ ҲАФТА ИЧИДА



3

МУҲИМ ҚЎЛЛАНМАЛАР



4

САҲИФАДА - САМАРҚАНД ВИЛОЯТИ

6

ОТАГА ТИК БОҚМА, ИЙМОНИНГ САҚЛА!

21

ҚИЗ БОЛАНИНГ



ВИФОНИШИ 23

ЁНГИН ХАВФСИЗЛИГИ ОЙЛИГИ ЯКУНЛАНДИ

Республикамизда ёнгин хавфсизлиги ойлиги давомида ўтган йилнинг шу даврига нисбатан

- Ёнгинлар сони 43 фоизга, офат натижасида инсонларнинг тан жароҳати олишлари 70,5 фоизга, ҳалок бўлиш ҳолатлари 77,8 фоизга камайди.
- Жойларда 111451 та учрашувлар ўтказилиб, 8,2 миллионга яқин киши жалб этилди.

- Корхона, ташкилот, хўжалик ва муассасаларда 64228 та ёнгин хавфсизлиги бурчаклари ташкил этилди.


- Хавфсизлик қоидаларига риоя этмаган фуқаролар ва мансабдор шахсларга 10 миллион сўмдан ортиқ жарима солинди.

- Тадбир талабларини бажармаган, ёнгин хавфсизлиги қоидаларига беписанд қараган 2412 мутасадди раҳбарларнинг масъулиятсизлиги муҳокама этилди, 2038 нафарига интизомий чора кўрилди, шундан 88 нафари вазифасидан бўшатиildi.



Ҳикмат излаганга ҳикматдир дунё

Инсоннинг бойлиги хайр-эҳсон билан кўпаяди, зеро, қудуқ қанча кўп қавланса, суви шунча кўпаяди.



HAYRATOMUZ VOQEALAR, BOLAJONLAR SAHIFASI, MUNAJJIMLAR BASHORATI, SKANVORD VA KROSSVORDLAR, HAJVIYA, XANDALAR, SPORT YANGILIKLARI, INTERNET XABARLARI.

«Поётга» газетасининг иловаси

УШИНСИ ОЛАМ

БИТИМ ИМЗОЛАНДИ, ҲАМКОРЛИК ДАВОМ ЭТАДИ

(Давоми. Боши 1-бетда).

Бу воқеанинг 10 декабрь – Бутун дунё Инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш кунда бўлиб ўтгани ҳам рамзий маънога эга. Тадбирда парламентнинг кўмиталари ва комиссиялари, ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари, айрим элчихоналар, халқаро ва ноҳукумат ташкилотлар вакиллари қатнашишди. Республика Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили С. Рашидова ушбу тадбирни ўтказишдан мақсад Ўзбекистон фуқароларининг ўз ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш ва таъминлаш соҳасида имкониятларини кенгайтириш ҳамда ошириш, халқаро ташкилотлар ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари билан алоқаларни кенгайтириш, аҳолининг ҳуқуқий саводхонлигини ва ёшлар тарбиясини чуқурлаштириш, кучайтириш эканини таъкидлади. Омбудсман институти ташкил бўлганидан буён ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари, жумладан, республика ИИВ билан фуқаролар манфаати йўлида ўзаро ҳамкорлик қилиб келяпти. Бу ҳамкорлик фақат тергов қилинаётган, ушлаб турилган шахслар,

маҳкумларнинг ҳуқуқларини таъминлашдангина иборат бўлиб қолмай, айти пайтда биргаликда тадбирлар ўтказиляпти, материаллар нашр этилмоқда, ҳуқуқни муҳофаза қилиш идораларининг таълим ва илмий муассасаларида ҳуқуқий маданиятни ошириш мавзусида машғуллар ўтказиляпти. Бундан ташқари таъриба тарихида халқаро ташкилотлар кўмагида бир қатор жазони ижро этиш муассасаларида маҳкумларнинг ҳуқуқлари бўйича омбудсман таъсис этиш режалаштириляпти.

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирининг ўринбосари, генерал-майор Р. Қодиров давра суҳбати қатнашчилари олдида чиқиш қилар экан, суд-ҳуқуқ тизими ислоҳоти бошланганидан буён амалдаги қонунларимизни жаҳон суд-ҳуқуқ андозаларига мувофиқлаштириш, жиноят, жиноят-процессуал ва жиноят-ижроия қонунларининг меъёрлари ва принципларини такомиллаштириш борасида кўп ишлар қилинганини таъкидлади.

Бугунги кунда қонунийлик, инсон ҳуқуқлари ва эркинликларига риоя қилиш фаолияти-мизда биринчи ўринга қўйил-япти. Бу республика ИИВ раҳ-

бариятининг қатъий позиция-сидир. Шунинг учун ҳам инсон ҳуқуқларини суддан ташқари ҳимоя қилувчи энг нуфузли институтлардан бири бўлган Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (омбудсман) билан яқиндан ҳам-



корлик қилиш гоёси қўллаб-қувватланган эди.

Юқорида тилга олинган битимни амалга ошириш ошкоралик принцигига асосланган бўлиб, ўзаро консултациялар ўтказиш, ҳуқуқни муҳофаза қилиш фаолиятини амалга оширишда, хусусан жазони ижро этиш муассасаларида инсон ҳуқуқларига риоя этили-ши жараёнини назорат қилиш имконини беради.

Сўнг республика ИИВ Тергов бош бошқармаси бошлиғи, полковник А. Шарафутдиновга сўз берилди. У йиғилганлар эътиборини қонунийлик, инсоннинг конституцион ҳуқуқлари ва эркинликларига риоя қилиш ички ишлар идоралари

шахсларни тутиб туриш жараёнини тартибга солиш, улар иштирокида ўз вақтида процессуал тадбирларни ўтказиш, қонун кўпол бузилган ҳолларда жамоатчилик иштирокида мустақил текширувлар ўткази-лишини таъминлаш ҳамда аҳолининг ва ҳуқуқни муҳофа-за қилиш идоралари ходимла-рининг ҳуқуқий маданиятини ошириш кабиларни ўз ичига олади.

Тадбир якунида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажли-сининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (омбудсман) С. Рашидова ва Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазири, генерал-полковник З. Алматов томонидан имзо-ланган инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини таъминлаш ва ҳимоя қилиш соҳасида Би-тимнинг тақдимот маросими бўлиб ўтди.

Барча сўзга чиққанлар ушбу битим ички ишлар идоралари фаолиятида қонунийлик ва ин-сон ҳуқуқларига риоя қилини-шининг аҳолини янада яхши-лашини таъкидлашди.

Ўз мухбиримиз.

Суратларда: тадбирдан лавҳалар.

Абу КЕНЖАЕВ олган суратлар.

Тошкентда халқаро "Тўсиқ-2" тадбири иштирокчилари бўлган мамлакатларнинг гиёҳвандлик воситаларининг ноқонуний айланишига қарши курашиш бўйича вазирликлари ва идоралари раҳбарлари ўртасида учрашув бўлиб ўтди. Мазкур тадбир жорий йилнинг 1 октябрида бошланган бўлиб, олти ой давом этади. Ўзбекистон Республикаси ИИВ ва АҚШ Адлия вазирлигининг гиёҳвандлик воситаларига қарши курашиш бўйича агентлиги (ДЕА) уни ўтказиш ташаббуси билан чиққан эдилар.

ТОШКЕНТДАГИ УЧРАШУВ

МДҲга аъзо тўққиз давлат Ички ишлар вазирликла-ри ушбу тадбирда қатнашиш истагини билдирдилар. Булар ичида Марказий Осиё мамлакатла-ридан Қирғизистон ва Тожикистон, бизга яқин қўшни давлатлардан Қозо-ғистон ҳам бор. Шунингдек, қатор мамлакатларнинг гиёҳвандлик воси-таларини назорат қилиш бўйича агентликлари ҳам тадбирда иштирок этишяпти.

"Тўсиқ-2" тадби-ридан кўзланган асосий мақсад мазкур мамлакат-ларга Афғонистон-дан опий ва героин олиб кириш йўлла-

рини аниқлаш ва тўсишдир. Вазият таҳлили шуни кўрсатяптики, Марказий Осиё мамлакатлари худуд-ди орқали ўтувчи "Шимолий йўна-лиш" деб аталмиш йўл Афғонистондан МДҲ мамлакатла-рига, улар орқали Европага ноқонуний тарзда гиёҳвандлик воситалари олиб ўтишнинг асосий йўлларида бири бўлиб қолмоқда.

Бўлиб ўтган кенгашда Ўзбекис-тон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги, Бош прокуратураси, МХХ ва Давлат божхона кўмитаси, Гиёҳвандлик воси-таларини назорат

қилиш бўйича миллий маркази вакиллари ҳам қатнашишди. АҚШ-нинг ДЕА ташкило-ти томонидан эса Марказий Осиёдаги Минтақавий вакили Стив Монако ва Москвадаги офиси ходими Вячеслав Курек иштирок этишди. Тадбирда Ўзбекистон Респуб-ликаси Ички ишлар вазирининг ўринбо-сари, полковник Ҳ. Ибрагимов ва АҚШнинг Ўзбекис-тондаги Фавқулодда ва Мухтор элчиси Жон Пурнелл нутқ сўзлашди.

Ўз мухбиримиз.

Суратда: тадбирдан лавҳа.

Абу КЕНЖАЕВ олган сурат.

ФАРМОН МАСЪУЛИЯТ ЮКЛАЙДИ

Ҳар доим амнистия тўғрисидаги юртбошимизнинг Фармонларини ўз вақтида, аниқ бажариш юзасидан республика ИИВ Жазони ижро этиш бош бошқармасида семинар-кенгаш ўтказиш анъана тусига кирган. Яқинда Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Ўзбекистон Респуб-ликаси Конституцияси қабул қилинганлигининг ўн икки йиллиги муноса-бати билан амнистия тўғрисида"ги Фармонининг ижросини ташкил этишга бағишланган семинар-кенгаш бўлиб ўтди. Унда республика ИИВ ЖИЭББ раҳбарияти, республика Бош прокуратурасининг ҳибсхоналарда ва жазони ижро этиш жойларида қонунчиликка риоя этилишини назо-рат қилиш бўйича бошқарма раҳбарияти, жойлардаги мазкур соҳа махсус прокурорлар, жазони ижро этиш муассасалари бошлиқлари, уларнинг тарбиявий ишлар бўйича ўринбосарлари, муассасаларнинг махсус бўлим бошлиқлари ва бошқалар иштирок этишди.

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирининг ўринбосари, гене-рал-майор Р. Қодиров тадбирни очар экан, Фармоннинг моҳияти, аҳамияти, уни ижро этиш бўйича прокуратура ва пенитенциар тизим ходимларининг масъулияти устида тўхталди.

Шундан сўнг ЖИЭББ бўлим бош-лиғи, подполковник Л. Нам мазкур Фармонни бажариш юзасидан ички ишлар идоралари ходимларининг ва-зифаларини белгилаб берувчи рес-публика Ички ишлар вазирининг буй-руғини ўқиб эшиттирди.

Республика Бош прокуратураси бошқарма бошлиғининг ўринбосари М. Мирсолиҳов эса амнистия тўғриси-даги Фармонни ижро этиш чоғида қонунчиликни таъминлаш борасида прокуратура идораларининг вазифала-ри ҳақида гапирди.

ЖИЭББ тарбиявий ишлар бўлими бошлиғи, подполковник Қ. Нарзиев-нинг чиқиши Фармонни ўз вақтида, сифатли бажариш, унинг моҳияти ва бажарилиш тартибини маҳкумларга, уларнинг яқинларига тушунтириш бо-расида муассасалар маъмуриятига қўйиладиган талабларга бағишланди.

Республика ИИВ ХООББ бошлиғи, полковник А. Сатторов Фармоннинг


озодликдан маҳрум этиш билан бог-лиқ бўлмаган жазоларга ҳукм этилган шахсларга нисбатан ижро этишни ташкил қилиш, бу борада шошма-шо-шарликка, камчиликларга йўл қўймас-лик, озодликка чиққанларни ижтимо-ий кўниктириш ишига маҳалла фаол-лари, кенг жамоатчиликни жалб қилиш масалаларига атрафлича тўхталди.

Шунингдек, озодликка чиқадиган-ларга моддий, тиббий ёрдам кўрса-тиш, уларни иш билан таъминлаш, ногирон ва қаровсизларининг бошқа ижтимоий муаммоларини ҳал қилиш зарурлиги масалалари ҳам сўзга чиқ-қанлар эътиборидан четда қолмади. Семинар-кенгаш иштирокчилари ам-нистия тўғрисидаги Фармонни ижро этиш юзасидан ўзларини ўйлантирган барча саволларга батафсил жавоб олишди.

Р. Қодиров семинар-кенгашни якунлар экан барча иштирокчиларни ҳамжихат, бамаслаҳат ишлашга, сан-соларлик, совуққонлик, қонунбузарлик ҳолатларига йўл қўймасликка чақирди ва уларга олдиларида турган масъу-лиятли вазифаларни сидкидилдан бажаришларида муваффақиятлар ти-лади.

Бобомурод ТОШЕВ.

ДУНЁ ҲАФТА ИЧИДА



ГАРОВДА – ЙЎЛОВЧИЛАР

Афина яқинида икки нафар курулланган террорчи йўловчилар ўтирган автобусни гаровга олди. Ҳозирча ҳеч бир йўловчи шикастлангани йўқ. Полициячилар террорчилар билан алоқа ўрнатиб, музокара олиб боришга ҳаракат қилишяпти. Сўнги маълумотларга қараганда, террорчилардан бири ўзини россиялик, исмини эса Ҳасан деб эълон қилган. Улар Россияга учиб боришлари учун самолёт талаб қилишяпти.



Баъзи маълумотларга кўра, террорчилар карабин ва тўппонча билан курулланишган. Автобус яқинидан ўтаётган бир киши дайди ўқдан яраланган. Унга зарур тиббий ёрдам кўрсатилган.

Ҳайдовчи автоуловнинг калитини олиб қочишга улгурган. Ҳозирда автобус полициячилар томонидан ўраб олинган.

Шу йил февралда ҳам Афина марказида ов милтиғи билан курулланган бир террорчи автобусни эгаллаб олган эди. У муайян вақтдан кейин бунча одамни назорат қила олмаслигига кўзи етгач, фақат ҳайдовчини гаровда олиб қолади. Полиция музокара чоғида унинг ишсизликдан қийналиб кетганини, оқибатда шундай йўл тутганини аниқлаганди.

СЕҲР-ЖОДУДАН ЭҲТИЁТ БЎЛИНГ!

Истамбулдаги кинотеатрлардан бирида туркларнинг сеҳргарлик маросимлари ҳақида ҳикоя қилувчи “Сеҳр-жоду” номли фильм илк бор намойиш этилаётганида ёнгин содир бўлди. Бу маданий муассасага минг нафар томошабин сигади. Ҳозирча қурбонлар ҳақида маълумотлар йўқ. Ахборот агентликларининг хабар қилишча, 43 киши касалхонага ётқизилган. Кейинроқ 130 киши жароҳатлангани маълум бўлди. Улардан уч нафари оғир аҳволда.



Воқеа жойига зудлик билан “тез ёрдам” машиналари, полициячилар етиб келишган. Туркия телевидениеси одамларни кутқариш жараёнини намойиш этиб турибди.

Ҳокимият вакилларининг айтишича, ёнгин тасодифан келиб чиққан, террорчилик ҳаракати содир этилмаган. Дастлабки маълумотларга қараганда, ёнгин фильм тақдими олдидан саҳнада ёқилган шамдан келиб чиққан бўлиши мумкин.

ЖОСУСЛИГИ УЧУН – 10 ЙИЛ

Сешанба куни Москва округи ҳарбий суди Россия Федерал хавфсизлик хизматининг собиқ ходими, подполковник Игорь Вялковни ўн йилга озодликдан маҳрум этди. У Эстония фойдасига 2001–2002 йиллар давомида жосуслик қилганликда айбдор деб топилди.

Ҳукмда айтилишича, Вялковнинг айби гувоҳлар кўргазмалари ва ашёвий далиллар ёрдамида тўла исботланган. Жумладан, у Россиянинг бир қатор ҳарбий қисмлари қаерда жойлашганини, чегара кўшинларининг айрим ходимлари, шунингдек, Бош штабнинг баъзи режалари ҳақида маълумотларни ошкор қилган. Унинг бир минг АҚШ доллари олганлиги ҳам тасдиқланди.

Игорь Вялков ҳарбий унвонидан ҳам маҳрум этилди. У жазони қаттиқ тартибли муассасада ўтади.



ВАЗИЯТ ҲАМОН НОТИНЧ

Чеченистонда вазият ҳамон нотинчлигича қолмоқда. Урус – Мартан тумани марказида ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари ходимлари ушбу туман бўйича диний экстремистларнинг амири Муса Гелхаевни ўлдиришга муваффақ бўлишди. У Калашников автомати ва граната билан курулланган бўлиб, қўлга олиш чоғида



курулли қаршилиқ кўрсатган. Жангарилар етакчиси сўнги пайтларда кўпоровчилик ҳаракатларига сарфлаш мақсадида маҳаллий аҳолидан пул талаб қилган. Шунинг учун одамлар унинг қаердалиги ҳақида милицияга хабар беришган.


Илгарироқ ҳам Чеченистон пойтахтида шаҳарликларнинг хушёрлиги туфайли кўпоровчиликнинг олди олинган эди. Тезкор штабнинг хабар қилишича, Ачхой-Мартанда ҳам террорчилик ҳаракатининг олди олинган.

«ТОЛИБОН» ХОНСИЗ ҚОЛДИ

Америкалик ҳарбийлар “Толибон” ҳаракатининг Афғонистондаги фаолларидан бири Нажибулло Хонни ҳибсга олишга муваффақ бўлишди. Толибонлар етакчисини кўриқлаш хизматида бошчилик қилган бу шахс Қандаҳор шаҳри яқинида тутилган. Унинг ёнидаги дала кўмондони мулла Ангар ҳам қўлга олинган. Улар ҳеч қандай қаршилиқ кўрсатишмаган. Афғонистон Президентининг айтишича, 1-рақамли террорчи Усома бин Лоден Покистон билан чегарадаги тоғли худудларда яширилиб юрибди ва албатта, қўлга тушади.

ФИЛИППИНДАГИ ТЕРРОРЧИЛИК ФОШ ЭТИЛДИ

Якшанба куни туш пайти Филиппиннинг Генерал Сантос шаҳридаги бозорда содир этилган кучли портлаш туфайли ўн беш киши ҳалок бўлди, яна 70 га яқин одам жароҳатланди. Бу ҳақда Қатарнинг “Al-Jazira” телеканали гувоҳлар ва полициячиларнинг сўзларига асосланиб хабар қилди. Кўпоровчилик юз берган пайти бозорда одам гавжум эди. Портловчи курилма жойлаштирилган кутини номаълум кимсалар гўшт дўкони ёнида қолдириб кетишган.



Террорчилик ҳаракатини содир этишда гумон қилинаётган шахслар аниқланган. Фақат тергов манфаатларини кўзлаб, уларнинг кимлиги ошкор этилмаяпти. Полициянинг фикрича, кўпоровчилик “Ал Қоида”нинг мамлакатдаги шохобчаси бўлган “Абу Сайёф” ташкилотининг иши. Аммо бу жинойт гуруҳлар ўртасидаги тўқнашув оқибати бўлиши ҳам мумкин.

«ЯШИЛ ЗОНА»ДАГИ ПОРТЛАШ

Боғдоддаги “яшил зона”да содир этилган навбатдаги портлаш бир неча кишининг ҳаётига зомин бўлди. Америкалик ҳарбийларнинг тахминига кўра, автомобилга ўрнатилган портловчи курилма ҳаракатга келтирилган. Воқеа жойи полициячилар томонидан ўраб олинди. Маҳаллий шифокорларнинг айтишича, портлаш оқибатида етти киши ҳалок бўлди, ўн уч киши яраланди. Жарбланганларнинг беш нафари Ироқ Миллий гвардияси ҳарбийлари.



Душанба куни содир этилган ана шундай террорчилик ҳаракати натижасида эса 13 одам ҳалок бўлиб, 15 нафар киши яраланган эди.

Маълум бўлишича, Боғдоднинг шимол-ғарбида машҳур террорчи Абу Мусоб Зарқавийнинг яқин ёрдамчиси ўлдирилган. Бу ҳақда Британиянинг Sky News телеканали Ироқнинг Бош вазири берган баёнотга асосланиб хабар қилган.

САБЗАВОТМИ ЁКИ ГЕРОИН?

Гиёҳфурушлар ўзларининг манфур режаларини амалга ошириш йўлида не-не найранларни ўйлаб топмайди дейсиз. Яқинда Москва яқинидаги Коломна шаҳрида жойлашган божхона постида россиялик ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари ходимлари 17,5 тонна сабзавот ортилган юк машинасини текшириб кўришганида, 66 килограмм героин топишди. Заҳри қотил машинанинг эҳтиёт гилдираги ичига яширилган эди. Мутахассислар яна гиёҳвандлик моддаси топилиши мумкин деган тахминда автоуловни текширишда давом этишяпти.

Мазкур операцияни ўтказиш режаси бундан икки ҳафта бурун нарқобарон Ибрагим Камолов қўлга олинганидан кейин пишиб етилди.

Шу йилнинг 9 оyi мобайнида Россияда ноқонуний айланишда бўлган 107 тонна гиёҳвандлик воситаси олинди. РФ гиёҳвандлик воситаларининг ноқонуний айланишини назорат қилиш бўйича Федерал хизмати бошлиғи Виктор Черкесовнинг айтишича, Афғонистондан келтириляётган героин Россияга катта хавф соляпти. Заҳри қотил Россияга асосан Тожикистон, Қирғизистон ва Қозоғистон орқали олиб ўтиляпти. Шунинг учун мазкур давлатлар билан экспертлар даражасида яхши ҳамкорлик йўлга қўйилган.



Ҳар йили гиёҳфурушлар ва заҳри қотил тайёрловчилар даромадларининг 250 млрд долларини легаллаштиришга муваффақ бўлишмоқда. Россиялик парламент аъзолари, айниқса, мактаб ўқувчилари орасида гиёҳвандлар сони ортиб бораётганидан қаттиқ хавотирда. Чунки бу миллатнинг генофондига хавф солади.

Маърифат дарси ва сиёсий-ижтимоий сабоқ

Мамлакатимиз аҳли Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси ва халқ депутатлари вилоят, шаҳар ва туман Кенгашларига ўтказиладиган сайлов руҳи билан яшамокда. 26 декабрь куни ҳамюртларимиз илк бора икки палатали парламент депутатларига овоз берадилар. Сайловда фуқаролар учун вакиллик органларини ташкил этиш ва бундай органларга ўз вакиллари юбориш имкони яратилади. Фуқаролар сайлов ҳуқуқларининг ҳеч тўсиқсиз амалга оширилиши уларнинг давлат бошқарувидаги иштирокини таъминлайди.

Биз демократик-ҳуқуқий давлат қуриш, жамиятни демократлаштириш ва янгилаш йўлидан бормокдамиз. Ҳар бир фуқаро аввало ўз ҳақ-ҳуқуқини яхши билиши, ҳуқуқий жиҳатдан саводди бўлиши керак. Ана шунда жамиятимиз учун энг зарур бўлган демократиянинг туб маъносини тўғри тушуниб, унга амал қилади. Демократик тушунчаларни яхши билиши

билан фуқаро эркин ва мустақил фикр юрита олади. Бу ҳислат айна сайловга тайёргарлик ва уни ўтказишда жуда муҳимдир. Чунки ҳар қандай сайлов эркин ва демократик руҳда ўтиши керак.

Икки палатали парламентга сайловлар олдидан фуқароларимизга ҳар иккала палатанинг фаолияти ҳақида етарли тушунтиришлар бериб борилди. Икки палатали парламент бир қатор ривожланган мамлакатларда кўндан бери мавжуд бўлиб, қонунлар тайёрлаш ва уни қабул қилиш, зарур ҳолларда ўзгартиришлар киритиш, давлатни бошқариш, фуқароларнинг ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қилиш кабиларда катта тажрибага эга ва ўрганишга арзигулик томонлари кўп. Ана шуларни ҳисобга олиб, ҳамда демократик тамойилларга таянган ҳолда мамлакатимизда ҳам икки палатали

парламент фаолиятини йўлга қўйиш учун ўтказилган умумхалқ референдумида кўпчилик розилик билдирди. Ҳозирги кунда дунёнинг 75 давлатида икки палатали парламент фаолият юритяпти. Келгуси йилда эса улар қаторига Ўзбеки-

сайловчи ва сайланувчиларнинг сайловларда бевосита, ҳеч қандай тўсиқларсиз, вакилларсиз иштирок этиш ҳуқуқига эга деб тушунмоқ керак. Маълумки, аксарият мамлакатларда сайловлар яширин овоз бериш йўли билан ўтказилади. Бу ҳам сайловнинг ўзига хос тамойилдир. Бунда номзодларга кимнинг қандай муносабат билдирилгани сирлигича қолади. Бу сайловчининг ўзи хоҳлаган номзод учун эркин овоз беришига имконият яратади. Сайловда иштирок этиш ҳар бир фуқаронинг ўз ихтиёридадир. Бунда фуқарони сайловда иштирок этиши-

нинг қуйи палатаси ва маҳаллий кенгашларга асосан партиялар томонидан тақдим этиладиган рўйхатлар бўйича сайлов ўтказиш жамиятимизни сиёсий жиҳатдан фаоллаштиришда катта аҳамиятга эга бўлади. Республикаимиздаги мавжуд сиёсий партиялар яъни, Ўзбекистон Халқ демократик партияси, "Адолат" социал-демократик партияси, "Миллий тикланиш" демократик партияси, Фидокорлар миллий демократик партияси ҳамда Ўзбекистон Либерал-демократик партияси ва сайловчилар ташаббускор гуруҳларининг сайлов кампаниясини илмий ва

Мамлакат парламентининг Қонунчилик палатаси ва маҳаллий Кенгашларга ўтказиладиган сайловлар демократия талаблари асосида ўтказилиши учун олиб борилаётган ҳаракатларнинг ижобат бўлишида фуқароларимизнинг иштироки алоҳида аҳамиятга эгадир. Аввало, сайловлар кунида фуқароларимиз тинчлик ва осойишталикни сақлаган ҳолда сайлов участкаларига келиб овоз беришлари сўралади. Ҳар хил гап-сўзларга учмаслик керак. Юртимизда амалга оширилаётган демократик ўзгаришларни кўролмайдиган, ғаламислик

қиладиганлар бўлса, уларнинг ҳавоий гапларига ишонмаслик керак.

Юртда тинчлик ва осойишталик бўлса, ривожланиш, тараққиёт сари дадил қадам ташланаверади. Шунинг

учун ҳам ички ишлар идоралари ходимларининг барқарорликни мустаҳкамлаш борасидаги ишларига камарбасталик қилиш ҳар бир фуқаронинг бурчи эканлигини унутмаслик керак.

Келгуси ҳафтанинг якшанба куни ўтказиладиган сайлов мамлакатимизда демократик ўзгаришларнинг ҳосиласидир. Эндликда фаолият юритадиган икки палатали парламент депутатлари ва сенаторлар давлатимизда қонунларнинг ҳар томонлама мукамаллигини таъминлаш, мамлакатимизни иқтисодий жиҳатдан мустаҳкамлаш, фуқароларимиз ҳуқуқларини, меҳнат аҳли, яъни, ишчилар, қишлоқ меҳнаткашлари, зиёлилар, шунингдек, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар ходимлари, ўқувчи ёшлар, пенсионер ва ногиронларнинг манфаатларини ифода қилади ва ҳимоя қилади.

ДЕМОКРАТИК САЙЛОВ — ЭРТАНГИ КУНИМИЗГА КАФОЛАТ

стон парламенти ҳам қўшилади.

Қонунчилик палатасига ўтказиладиган сайловларни ўтказишда ривожланган мамлакатларнинг тажрибаларидан ўрганилаётганлигини алоҳида таъкидлаб ўтиш жоиз. Сайлов ҳуқуқининг дунё ҳамжамияти тан олган тамойиллари бор. Сайлов аввало, мамлакат фуқаролари учун умумий ҳисобланади. Ҳар бир фуқаро сайловда иштирок этиш, сайланиш ва сайлаш ҳуқуқига эга. Бу ҳуқуқ Конституциямизда қайд этилган. Сайловнинг ҳуқуқий тамойилларидан бири унинг тенглигидир. Мамлакат фуқаролари миллати, дини, ирқи, ижтимоий келиб чиқишдан қатъи назар қонун олдидан тенгдирлар. Яъни, улар сайловларда иштирок этишда бир хил ҳуқуққа эга. Сайлов ҳуқуқининг тўғридан-тўғри амалга оширилиши ҳам унинг тамойилдир. Буни

га мажбур қилинмайди. Дунё мамлакатларида кенг қўлланилаётган бу сайлов ҳуқуқий тамойиллари Ўзбекистон Республикасининг Конституциясида ва сайлов тўғрисидаги қонунларда белгилаб қўйилган.

Мавжуд партияларнинг ўз овозлари учун курашлари сайлов ҳуқуқининг алоҳида хусусиятларидан биридир. Чунки сиёсий партиялардан янгича фикрлаш, сайловчиларнинг ишончини қозона оладиган ва келгусида амалга ошириш лозим бўлган ва бошқа партиялар дастурларидан фарқли ўлароқ дастурлар ишлаб чиқиш талаб этиляпти. Президентимиз И. Каримов жамиятимизни янада демократлаштириш ва фуқаролик институтларини шакллантириш масаласида тўхталиб таъкидлаганларидек, Олий Мажлисни икки палатали қилиб ташкил этиш, парламент-

амалий жиҳатдан юқори даражада ўтказишлари учун зарур шарт-шароитлар яратиб берилган. Сайловда иштирок этиш, номзодларни кўрсатишда партияларга бир хил ҳуқуқ берилган. Қонунчилик палатаси учун белгиланган 220 сайлов округи бўйича, шунингдек, маҳаллий кенгашларга партиялар ўз номзодларини кўрсатдилар. Номзодлар рўйхатга олиниб, айна кунларда улар билан сайловчиларнинг учрашувлари ўтказилмоқда.

Депутатликка номзодлар халқимиз вакиллари дир. Уларнинг сайловолди режаларини эшита туриб, агар депутатларимиз ўзларининг дастурлари асосида иш юритсалар, ваколатлари доирасидаги режалари ижобат бўлса, мамлакатимизда ҳар томонлама катта ўзгаришларга эришиш мумкинлигига шубҳа қолмайди.

САЙЛОВЛАР ОЛДИДАН

МУҲИМ ҚЎЛЛАНМАЛАР

Мамлакатимизда сайлов кампанияси айна кизгин паллага кирган бир пайтда Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси, Тошкент Давлат юридик институти, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги стратегик ва минтақалараро тадқиқотлар институти ва Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази томонидан ўзаро ҳамкорликда хайрли ишга қўл урилди. Сайловчилар ва сайланувчиларнинг сиёсий ҳамда ҳуқуқий билимини бойитиш мақсадида туркум қўлланмалар чоп этилди.

“Сайлов-2004” деб номланган ушбу туркумдан ўрин олган “Ўзбекистон Республикаси сайлов тизими ва сайлов қонунчилиги” рисоласида 2004 йил 26 декабрь куни Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси ва Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига ўтказиладиган сайловлар ҳамда 2005 йилнинг январидан Олий Мажлисининг Сенати шаклланиши арафасида Ўзбекистон Республикаси сайлов



қонунчилиги ва сайлов тизимининг асосий хусусиятлари оммабоп тарзда ёритиб берилган. “Сайлов ва сиёсий партиялар” деб номланган қўлланмада сиёсий партиялар фаолиятининг ҳуқуқий асослари, уларнинг сайловлардаги иштироки ва молиявий таъминоти оид маълумотлар акс эттирилган. Сайлов жараёнларининг оммавий ахборот воситаларида ёритили-

ши таъминоти ва шу жараёнга тааллуқли бошқа муҳим жиҳатлар хусусидаги қизиқарли фикр-мулоҳазалар “Сайловлар ва оммавий ахборот воситалари” қўлланмасида баён этилган. Ўзбекистонда сайлов ҳуқуқи ва сайлов тизими тушунчаси, моҳияти, конституциявий асослари ва принциплари, халқаро меъёрларга мослиги, шунингдек, фуқароларнинг сайлов ҳуқуқлари кафолатлари тўғрисида “Сайлов ҳуқуқи ва сайлов тизими” рисоласини мутолаа қилиб олиш мумкин.

Ўйлаймизки, “Қим депутат бўлиши мумкин?”, “Сайлов қонунчилиги: 100 саволга 100 жавоб”, “Сиёсий партияларнинг сайлов жараёнидаги этикаси” ва бошқа қўлланмалар ҳам кенг китобхонлар оmmasига манзур бўлади.

Қуйидаги ушбу туркумга кирувчи уч тилда берилган «Сайлов қонунчилигини бузганлик учун жавобгарлик» рисоласи муштарийлар эътиборига ҳавола қилинмоқда.

Ўзбекистоннинг икки палатали парламентида ўтказиладиган бўлғуси сайловларда турли хил кўринишдаги қонунбузарликлар ва фуқароларнинг сайлаш ҳуқуқларини ғайриқонуний равишда чеклаш ҳолатлари ҳам кузатилиши эҳтимолдан ҳоли эмас.

Маълумки, халқаро қонунчиликда кўрсатилган ҳуқуқларнинг амалга оширилиши билан бирга мазкур ҳуқуқларни ҳимоялаш билан боғлиқ кафолатларнинг кенг доираси ҳам кўзда тутилади. Масалан, Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон Декларациясининг 21-моддаси 3-бандида шундай дейилади: “Халқ” иродаси ҳуқуқат ҳокимиятининг негизи бўлмоғи лозим, бу ирода вақти-вақти билан бўладиган ва сохталаштирилмаган сайловларда ўз аксини топиши, ушбу сайлов ялпи ва тенг сайлов ҳуқуқига кўра, яширин овоз бериш эркинлигини таъминлайдиган бошқа тенгма-тенг шакллар воситасида ўтказилиши керак”¹.

Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисида Халқаро пактнинг 25-моддасида кўрсатилишича: “Ҳар бир фуқаро қандай бўлмасин, бирор турдаги камситишларсиз... ва асоссиз чеклашларсиз, ялпи ва тенг сайлов ҳуқуқига кўра, яширин овоз бериш орқали вақти-вақти билан ўтказиб туриладиган ҳамда сайловчиларнинг ўз хоҳиш-истакларини эркин ифодалаш имконини берувчи ҳақиқий сайловларда овоз бериш ҳамда сайланиш ҳуқуқи ва имкониятига эга бўлиши лозим”².

Европада Хавфсизлик ва Ҳамкорлик ташкилотининг инсонийлик мезонлари Конференцияси доирасида Копенгагенда бўлиб ўтган кенгаш ҳужжатида бу масала янада батафсилроқ ёритилган. Ушбу ҳужжатнинг 5-бандида “инсон шахсиятига хос фазилатларнинг тўлиқ ифодаланишида муҳим аҳамиятга эга бўлган адолат элементлари ҳамда барча кишиларнинг тенг ва ажралмас даҳлсиз ҳуқуқлари” рўйхати келтирилган. “Оқилона белгиланган вақт оралиғида яширин овоз бериш ёки ўз вакилларини сайлашда сайловчиларнинг ўз хоҳиш-истакларини амалда эркин ифодалаш имконияти таъминланадиган шaroитларда ўтказиладиган эркин сайловлар” мазкур элементлар ичида биринчи қаторда кўрсатиб ўтилган (5.1).

1. Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон Декларацияси Бош Ассамблеясининг 217 А (Ш) резолюцияси билан 1948 йил 10 декабрда қабул қилинган.

2. Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисида Халқаро пакт Бош Ассамблеясининг 2200 (XXI) резолюцияси билан 1966 йил 16 декабрда қабул қилинган ҳамда имзолаш, тасдиқлаш ва қўйиш учун очиқ деб эълон қилинган. 1976 йил 23 мартдан бошлаб кучга кирган.


3. ЕХҲТ инсонийлик мезонлари Конференциясининг Копенгагенда бўлиб ўтган кенгаши ҳужжати. Европа хавфсизлиги ва ҳамкорлик кенгаши таркибидидаги 35 та иштирокчи давлат томонидан 1990 йил 29 июнда қабул қилинган.

САЙЛОВ ҚОНУНЧИЛИГИНИ БУЗГАНЛИК УЧУН ЖАВОБГАРЛИК

Ҳужжатнинг 6-бандида иштирокчи давлатларнинг таъкидлаб ўтишларича, “улар халқаро ҳуқуқ бўйича инсон ҳуқуқлари соҳасидаги ўз қонунлари ва мажбуриятларига мувофиқ тарзда халқ хоҳишига кўра, эркин равишда ўрнатилган демократик тартибни ёхуд бошқа бир иштирокчи давлатдаги ана шундай тартибни ағдариб ташлашга қаратилган терроризм ёки зўравонликни ёқловчи алоҳида шахслар, гуруҳлар ёки ташкилотлар фаолиятдан ҳимоялаш ва ана шу тартибни кўриқлаш учун жавобгар эканликларини тан оладилар” ҳужжатнинг 7-бандида “халқ иродаси ҳуқуқатнинг ҳокимияти бўлиб хизмат қилиши”ни таъминлаш кафолати мустақамлаб кўйилган. Хусусан, иштирокчи давлатлар “овоз беришнинг яширин суръатда ўтказилишини ёки тенгма-тенг эркин овоз бериш тартиби қўлланилишини, овозларни ҳисобга олиш ва шу билан боғлиқ маълумотларнинг ҳаққоний бўлишини, сайловларнинг расмий натижалари эса матбуотда эълон қилинишини (7.4-банд); “қонун ва давлат сиёсати сиёсий кампанияларнинг ҳеч қандай маъмурий хатти-ҳаракатлар, зўравонлик ёки кўрқитув партиялар ва номзодларни ўз қарашлари ва баҳоларини ошқора баён қилишига монелик кўрсата олмайдиган эркинлик ва ҳалоллик муҳитида ўтказилиши мумкин бўлган шарт-шaroитларни, шунингдек, сайловчиларга бу қарашлар билан танишиб чиқиш ва уларни муҳокама қилиш ёки жазоланиш хавфидан кўрқмаган ҳолда ошқора овоз беришга ҳалал берилмаслигини таъминлайдилар” (7.7-банд)³.

Қатор ривожланган демократик мамлакатларда ана шундай халқаро стандартлар қабул қилинган ва бу давлатларнинг ўз миллий қонунларида фуқароларнинг сайлов ҳуқуқлари ҳамда сайловларни ташкил қилиш ва ўтказиш тўғрисидаги қонунларни бузганлик учун жиноий жавобгарлик белгиланган.

Қуйида шу давлатлардан айримларининг сайлов қонунчилигидаги тажрибалари билан танишиб чиқамиз. Масалан, Германия Федератив Республикасининг Жиноят кодексига сайловларни ўтказиш ёки унинг натижаларини аниқлашга қарши зўравонлик ёки кўрқитув йўли билан тўсқинлик қилиш (107-параграф), сайлов натижаларини сохталаштириш (107-“а” параграф), сайлов ҳужжатлари (сайлов бюллетен)ни сохталаштириш (107-“в” параграф), сайловлар сирини ошқор қилиш (107-“с” параграф), сайлов ҳуқуқини амалга



оширишга зўравонлик йўли билан қаршилик кўрсатиш (108-параграф), сайлов ҳуқуқини амалга оширишда сайловчиларни алдаш (108-“а” параграф), сайловчиларни ўзларининг сайлов ҳуқуқларини амалга ошираётганларида пора ёки бошқа йўллар билан ўз томонига оғдириб олиш (108-“в” параграф) ва депутатларни ўз томонига оғдириб олиш (108-“е” параграф) учун жиноий жавобгарлик белгиланган.

Швейцария Жиноят кодексига сайлов ҳуқуқлари ва сайлов қонунчилигини ҳимоя қилиш масалаларига бағишланган “Халқ иродасига қарши ноўрин хатти-ҳаракатлар” деб номланган маҳсус бўлим ажратилган. Унда, жумладан, зўрлик ишлатиш ёки кўрқитиш йўли билан сайловга ёки овоз беришга тўсқинлик қилиш ёхуд бузиш (279-модда); шахснинг овоз бериш ва сайлов ҳуқуқини амалга оширишига зўравонлик ёки кўрқитув йўли билан аралаштириш (280-модда); сайловларда сайловчини ўз тарафига оғдириб олиш (281-модда); овоз бериш реестрини, сайловлар, овоз бериш ёки референдум ўтка-

зиш учун имзолар йиғиш натижаларини сохталаштириш ёки уларни йўқотиб юбориш (282-модда); “сайловчилар овозларини йиғиш” ёки овоз бериш учун режали (аниқ мақсадли йўналишда) равишда бюллетенларни йиғишдан, шунингдек, бу бюллетенларни тўлдириш, ўзгартириш ёки тақсимлаш (282 bis-модда) ва овоз бериш ва сайловлар сирини бузиш (283-модда) сингари жиноят таркиблари ўрин олган.

Голландия Жиноят кодексига сайлов ҳуқуқининг амалга оширилишига куч ишлатиш йўли билан қаршилик кўрсатиш (125-параграф), сайловчиларни оғдириб олиш (126-параграф), сайловлар ёки овоз бериш натижаларини сохталаштириш (127-, 129-параграфлар), расмий белгиланган сайловларда ноқонуний равишда қатнашиш (128-параграф) учун жиноий жавобгарлик кўзда тутилган.

Шундай ҳилдаги хатти-ҳаракатлар Дания Жиноят кодексига ҳам жиноят сифатида эътироф этилади (116 ва 117-параграфлар). Бу мамлакат жиноий қонунчилигининг диққатга лойиқ жиҳати шундаки, “маълум тартибда овоз бермаслик ёки овоз беришдан бўйин товламаслик учун” пул маблағи олувчи ёки талаб қилувчи шахслар ҳам жавобгарликка тортилиши мумкин (117-параграфнинг 5-банди).

Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги давлатлари орасидан Россия Федерациясини мисол қилиб келтириш мумкин. Фуқароларнинг сайлов ҳуқуқларини ҳимоя қилиш асносида сайлов ҳуқуқларини амалга ошириш ёки сайлов комиссияларининг ишига тўсқинлик қилиш (141-модда), номзоднинг сайлов кампаниясини, сайлов бирлашмаларини, сайлов блокинни, референдум ўтказиш бўйича ташаббускор гуруҳ фаолиятини, референдум қатнашчиларининг бошқа гуруҳларини молиявий таъминлаш тартибини бузиш (141-модда), сайлов ҳужжатларини, референдум ҳужжатларини сохталаштириш (142-модда) ва ниҳоят, овоз бериш натижаларини сохталаштириш (142¹-модда) сингари моддалар ҳам Россия Федерациясининг Жиноят кодексидан ўрин олган.

Ҳар қандай давлат фуқароларининг сайлов ҳуқуқларини жиноий-ҳуқуқий ҳимоя қилиш асосла-

ри фақат шу давлатгагина хос бўлган жиҳатлари билан ажралиб турса-да, айна пайтда қатор муштарак жиҳатларга ҳам эга эканлигини юқорида келтирилган мисоллар воситасида яққол кўриш мумкин. Хусусан, юқорида санаб ўтилган давлатларнинг жиноят қонунларида сайлов ҳуқуқларининг амалга оширилишига алдов, зўравонлик, кўрқитув йўли билан тўсқинлик қилишда ёки овоз бериш сирини ошқор қилишда ва сайлов ҳужжатларини, шунингдек, сайлов ёки овоз бериш натижаларини сохталаштиришда айбланувчи шахслар учун ҳам жавобгарлик кўзда тутилади.

Хорижий мамлакатларнинг бу ҳилдаги ибратли тажрибалари, шунингдек, халқаро стандарт талаблари Ўзбекистон қонунчилигида ҳам тўлиқ эътиборга олинган. Масалан, Республика Конституциясининг 1994 йил 5 майда қабул қилинган “Фуқароларнинг сайлов ҳуқуқларини кафолатлаш тўғрисида”ги Қонуни ва бошқа қонунларда Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг сайлов ҳуқуқларини давлат ҳимоясига олинганлиги белгилаб кўйилган. Сайлов қонунчилигида белгиланган талаблардан ташқари, фуқароларнинг сайлов ҳуқуқини бевосита (тўғридан-тўғри), ёки билвосита келашга мутлақо йўл кўйилмайди.

Ўзбекистон Республикасининг ҳар бир фуқароси ўзининг сайлов ҳуқуқлари бузилганлиги юзасидан судга арз қилиш ҳуқуқига эга. Мазкур ҳуқуқ, шунингдек, судга сайлов комиссиялари, давлат органлари, мансабдор шахслар ҳамда жамоат бирлашмаларининг ноқонуний хатти-ҳаракатлари юзасидан шикоят аризаси билан мурожаат қилиш имконияти Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва қонунлари билан кафолатланади.

Фуқароларнинг сайлаш ва сайланиш ҳуқуқларини амалга оширишга, референдумда қатнашишга, сайловолди ташвиқотини юргизишда куч ишлатиш, алдов, кўрқитиш ёки бошқа йўллар билан тўсқинлик қилиш, шунингдек, ҳужжатларни қалбакилаштириш, атайлаб овозларни нотўғри ҳисоблаш, референдум тўғрисидаги, Президент сайловлари тўғрисидаги, вакиллик органларида ўтказиладиган сайловлар тўғрисидаги қонунларнинг бузилишларига йўл қўйганлик учун **Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 146 ва 147-моддалари** бўйича жиноий жавобгарликка тортиш кўзда тутилган.

Жиноят кодексининг мазкур моддалари бўйича жиноий жавобгарликнинг бошланиш асослари ва шарт-шaroитларини батафсил кўриб чиқайлик.

(Давоми келгуси сонда).

САҲИФАДА — САМАРҚАНД ВИЛОЯТИ

Маълумки, ички ишлар идораларида ўтказилаётган туб ислохотлар самараси ўлароқ, республикамизнинг ҳар бир маҳалласида, энг чекка қишлоқларида милиция таянч пунктлари ташкил этилган. Бу масканларда профилактика инспекторларининг жамоатчилик, ўзини-ўзи бошқариш идоралари вакиллари билан ҳамкорликда жиноятчиликнинг олдини олиш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилган тадбирларни олиб бориш учун қулай шароитлар яратилди. Самарқанд вилояти ИИБ ҲООб бошлиғи, подполковник Самандар Мўминов билан милиция таянч пунктлари фаолиятини янада такомиллаштириш бўйича амалга оширилаётган ишлар хусусида суҳбатлашдик.

ўртасида диний ақидапарастликнинг олдини олиш, тарбиявий ишлар самарадорлигини янада оширишда яхшигина омил бўлди. Вилоят бўйича маслаҳатчилар штатларини маҳаллий ҳокимликлар ва ўзини-ўзи бошқариш органлари билан келишилган ҳолда, маҳаллада обрў-эътибор топган, диний ва дунёвий билимларга эга бўлган хотин-қизлардан иборат бўлишига эришилди.

— Янги таҳриба жиноятчиликнинг олдини олиш ва содир этилганларини фож этишда мазкур тизимнинг самараси

ишониб топширилган маъмурий ҳудудларда осойишталикни сақлашда аксарият профилактика инспекторларимиз жонбозлик кўрсатишмоқда.

Яқинда Самарқанд шаҳри А. Икромов кўчасида тунги соат 23.00 лар атрофида, номаълум шахслар фуқаро Н. Жайнакованинг 50.000 сўм пули ва “Калет” русумли уяли телефонини тортиб олиб, воқеа жойидан яширинишади. Мазкур жиноят Самарқанд шаҳар ИИБ профилактика инспекторлари О. Яхёев ва И. Назаровлар томонидан фож этилди ва жиноят-

повларнинг ташаббуси билан мазкур жиноят очилиб, жиноятчилардан далилий ашёлар олинган.

Умуман, жорий йилнинг ўтган даврида вилоят ички ишлар идоралари профилактика инспекторлари томонидан жиноятлар очилган ёки аниқланган. Милиция таянч пунктларида жамоатчилик билан ҳамкорлик ҳам ижобий самара бермоқда. Аҳоли билан профилактика инспекторлари ўртасида ўзаро ишонч ортиб бормоқда. Жиноятчилик ва бошқа салбий кўринишларининг олдини олишда аҳолининг фаоллиги ошмоқда, десак муболаға бўлмайди. Ушбу йилда жамоатчилик вакиллари ёрдамида фож этилган жиноятлар 2,7 фоизга кўпайганлиги фикримизнинг исботидир.

Бугунги кунда милиция таянч пунктлари фаолиятини йўлга қўйиш ва аҳоли билан ўзаро алоқаларни янада мустаҳкамлаш ҳамда маҳалла билан профилактика инспекторларининг бир ёқадан бош чиқариб ҳаракат қилиши, халқнинг тинчлиги ва осойишталигини сақлашда муҳим омил бўлиб хизмат қилиши таҳрибада яққол намоён бўлмоқда. Яна бир муҳим ҳамкорлик ҳақида айтиб ўтмоқчиман. Маҳаллаларда ташкил этилган милиция таянч пунктларида корхоналар, гўзаллик салонлари, ташкилот ва фермер хўжаликлари томонидан меҳнат ярмаркалари уюштирилмоқда. Аҳолига фуқаролик паспорти топишириш маросимининг ҳам шу жойда ўтказилаётгани барчага маълум бўлапти. Бу борадаги излашларимиз давом этмоқда.

Дилбар САЛОҲИДДИНОВА
суҳбатлашди.

Суратда: **Ғиёсиддин Жамшид** маҳалласи раиси **И. Саидов**, маслаҳатчи **Л. Салимова** ва профилактика инспектори, катта лейтенант **Т. Қўзибоев**лар болалар билан суҳбатлашишяпти.

ҚУЛАЙ МАСКАНЛАР

— Самандар Хусенович, кейинги вақтда шунга амин бўлдики милиция таянч пунктлари ички ишлар ходимларининг халққа янада яқинлаштиришда катта ўрин тутяпти шундай эмасми?

— Милиция таянч пунктларининг бевосита маҳаллаларда ташкил этилаётганлиги қишлоқ, маҳалланинг тинчлиги ва осойишталигини сақлашда профилактика инспекторлари, маҳалла фаоллари, хотин-қизлар, диний маърифат ва ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчилар, маҳалла посбонлари ва бошқа жамоат ташкилотлари билан бир жойда иш юритишини таъминламоқда.

Маълумки, сўнгги йилларда дунё ҳамжамиятига хавф солаётган диний экстремизм, терроризм ва гиёҳвандлик каби иллатларнинг илдиз отиши, ҳуқуқни муҳофаза қилиш идораларидан, янги иш услубларини қўллаш ва кенг жамоатчилик билан ўзаро алоқаларни янада мустаҳкамлашни тақозо этмоқда. Ҳозирги вақтда ички ишлар идораларини аҳолига янада яқинлаштириш, шу билан жойлардаги ҳар қандай салбий

ўзгаришларга ўз вақтида муносабат билдирилиши жамиятга зид хатти-ҳаракатлар ҳамда ҳодисалардан огоҳлантириш ишларини янада жонлантирди.

Жорий йилда биргина Самарқанд шаҳрида 16 та марказий милиция таянч пунктлари ташкил этилди ва фаолияти йўлга қўйилди. Ҳозирги кунда вилоятнинг чегара ҳудудлари бўлган Ургут, Булунгур, Самарқанд каби туманларида ҳам шундай тузилмаларни ташкил этиш режалаштирилган.

Яқинда, Самарқанд шаҳар ҳокимлиги ёрдамида, вилоят марказининг Ғиёсиддин Жамшид номи маҳалласида замонавий услубда қурилган 49-марказий милиция таянч пункти фаолияти йўлга қўйилди.

— Республикаимиз Президентини ташаббуси билан маҳаллаларда фуқаролар йиғинлари раисларининг диний-маърифий ва ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси лавозими киритилди. Самарқандда шу йўналишда қандай ишлар амалга оширилди?

— Ушбу ташаббус айниқса, хотин-қизлар ва вояга етмаганлар



нималарда кўринаяпти?

— Мақсад жиноятчиликка қарши курашиш экан, унинг олдини олиш энг ишончли воситадир. Демак, профилактика хизмати яхши йўлга қўйилса, бу албатта ўз самарасини беради. Ҳукуматимиз томонидан биз, профилактика инспекторлари учун яратилаётган қулайликларга самарали ишимиз билан жавоб беришимиз лозим. Шунинг учун, жиноятчиликка қарши кураш ва унинг олдини олиш,

ни содир этишда гумонланган икки киши қўлга олинди.

Яна бир мисол куни-кеча номаълум шахслар Самарқанд шаҳрида яшовчи Л. Соятинанинг хондонига қалит танлаш йўли билан кириб, “Айва” мусиқа маркази, “Фунай” видеомагнитофони, “Daewoo” телевизори ва “LG” чанг-ютигини ўғирлаб, воқеа жойидан яширинишади. Профилактика инспекторлари, кичик лейтенант Т. Раҳматов ва старшина С. Шарип

Пойариклик Шакарбой акани ҳамқишлоқлари “милиционер Шакарбой” дейишади. Бутун меҳнат фаолиятини ички ишлар хизматида сарф этган бу фидойи инсон, пенсионер бўлишига қарамай қишлоқ, маҳаллада тинчлик, осойишталикни сақлашда ҳамон ўз ҳиссасини қўшиб келяпти.

... Шакарбой армия хизматини тугатиб электромонтерлик қилиб юрганида тоғаси майор Ю. Абдуллаевнинг уйига боради. Тоғаси милиция формасида кириб келаркан Шакарбойнинг юрагида нимадир жиз этгандай бўлди. Унинг ҳавас билан қараётганини кўрган тоғаси: — Форма кийишни хоҳлайсанми, — деб сўради.

ҲАМОН САФДА



Шакарбой розилик билдирди.

— Хизмат қилиш осон эмас, энгилдан оғир томони кўп, — деб қўшиб қўйди тоғаси.

1974 йили Шакарбой Кубаев Сирдарё вилояти Оқ олтин тумани ИИБ навбатчилик қисмига ишга қабул қилинади. Йигитдаги хизматга иштиёқ, масъулият-

ни кўрган ИИБ раҳбарияти уни Сардоба Қўрғонига участка вакили этиб тайинлайди.

— Қўрғонда ўттизга яқин миллат вакиллари истиқомат қиларди, — дея эслайди. Шакарбой ака Кубаев. — Ҳар бири билан муомала қилишнинг ўзига яраша қийинчилиги бор. Бир куни қўрғондан мотоцикл ўғирланади. Суриштирувда айримлар бирор нарсани айтишдан чўчиди, лекин вазиятга тушуниб, тўғри муносабатда бўлганлар, бажону дил ёрдам бердилар. Айнан фуқароларнинг кўмаги билан ўғри топилди. Маълум бўлишича, Жанубий Қозоғистон вилоятининг Славянка (ҳозирги Мирзакент) қўрғонидан меҳмонга келган

фуқаро Михеев кечаси уйига қайтаётиб, миниб кетган экан. Эртасигаёқ топиб келдим.

Бундай воқеалар Шакарбой аканинг хизмат фаолиятида кўп учраган. Унинг кўп йиллик самарали хизматлари “Шухрат” медали билан тақдирланди.

Истеъфодаги майор Шакарбой ака Кубаев табиатан серғайрат бўлгани учун нафақада дам олиб бекор ётгани йўқ. Ташландиқ ётган ярим гектарлик ерда боғ барпо этган. Мевасидан маҳалладаги болалар боғчасида тарбияланувчилар баҳраманд бўлишяпти.

— Инсон ҳаётидан хурсанд бўлиб яшаши керак. Ана шунда ўзини бахтли ҳисоблаши мумкин. Бекорчилик инсонга хос фазилат эмас. То тирик экансан, кимгадир фойданг тегиши керак.

ОҒУ СОТИБ, ОҒ УРДИ

Ургутлик Х. Муқаддас рўзғор халтасини кўтариб бозорга борганида дарвоза олдида уни хушрўйгина йигит кутиб олди.

— Мени танимадингиз-а, эрингиз Ҳасаннинг дўсти бўламан, — деди у.

Қуюқ сўрашишгач, ўзини Раҳматилла деб таништирган йигит муддаога ўтди.

— Тирикчилигингизга мадад бўлсин деб, “ноёб мол” олиб келгандим. Пулини кистамайман, сотгандан кейин берарсиз, — деди атрофга аланглаб. Х. Муқаддас “ноёб мол”нинг нималигини билгани учун суриштирмасданоқ рози бўлди.

Хотинининг гапини эшитган Ҳасаннинг кўз олдида тахлам-тахлам пул келди. Оғуфурушликнинг аянчли оқибатларини билса-да, бойлик хирси устун келиб, эртасига Раҳматилланинг олдида борди. “Ноёб мол”ни олиб эр-хотин харидор излаб қариндош-уруғлариникига йўл олишди.

Муқаддаснинг ота уруғларидан бўлмиш Х. Бозор 72 ёшда, тўрт марта суднинг қора курсисига ўтирган. У жияни келтирган “ноёб мол”нинг баҳосини бироз талашиб, кейин рози бўлди. Шундай қилиб, Раҳматилла томонидан оширилган “ноёб мол”нинг нархи ошиб бораверди. Бозор бобо бу захри қотилнинг савдосидан уч марта баҳраманд бўлиб, жазоланганига қарамай, жиянини яна оғу олиб келишга юборади.

Оғуфурушлар героин учун нақд АҚШ доллари беришни талаб қилишади. Гиёҳвандлик касалига мубтало бўлганлар пулнинг юзига борармиди, индамай кўнаверади. Аввалига эр-хотинга 100 АҚШ доллари ва яна 50 минг сўм беришди. Арзимаган кунда, шунча бойликка эга бўлган оғуфурушлар яна режаларни йўлай бошлашди.

Эр-хотин ва унинг қариндошлари фаолиятидан ички ишлар ходимлари беҳабар қолмайдилар, албатта. Улар айна савдо-сотик қилаётганларида қўлга тушдилар. Оғуфурушлар қилмишларига яраша жазо олишди.

Асқар ҒУЛОМОВ,
Юнус ИБРАГИМОВ.

АҲИЛЛИК БОР ЖОЙДА

Самарқанд вилояти Пастдарғом тумани Наймановул қишлоғи аҳли Раҳматовлар оиласини иззат-икром билан эъзозлашади. Чунки ушбу захматкаш оилада ўн нафар фарзанд одоб-ахлоқ қондаларига риоя қилинган ҳолда тарбиялаб, вояга етказилган. Хонадон соҳиби Доли ота бир умр тракторчи бўлиб ишлаганлар. У кишининг умр йўлдоши Шодмон ая ҳам жамоа хўжалигида меҳнат қилиб, нафақага чиққан. Эрта тонгдан то қуёш ботгунга қадар далада меҳнат қилиб, оила ташвишлари кўплигига қарамай ўнта фарзандни вояга етказишнинг ўзи бўлмайди.

Доли ота иккинчи жаҳон уруши йиллари фронт ортида жонбозлик кўрсатди. У киши 1999 йилда вафот этган. Шод-

мон ая эса ҳозирги пайтда фарзандлар, набира ва чеваралар ардоғида кексалик гаштини сурмоқда.

Ушбу оиланинг тўнғич фарзанди Очил Раҳматов ички ишлар идораларида 25 йилдан ортиқ турли лавозимларда самарали хизмат қилиб, майор унвонига нафақага чиққан. Айна пайтда Нуробод тумани марказидаги маҳалла фуқаролар йиғинида ёшлар ва ўсмирлар тарбиясига масъул.

Яна бир фарзанд — Ўктам Раҳматов акаси изидан бориб, 1982 йилда ички ишлар идораларига қабул қилинди. Ишни қўриқлаш хизматида, оддий милиционерликдан бошлаган Ўктам, кўп ўтмай гуруҳ сардори вазифасига тайинланди. Ҳозирда у Самарқанд шаҳар ИИБ ҳузуридаги

 "Яқшанба кинозали":
 23.00 "Юлдузингни бер осмон". Бадий фильм.
 00.25-00.30 Ватан тимсоллари.

Ёшлар телеканаллари

6.55 Кўрсатувлар дастури.
 7.00 "Мунаввар тонг". Информацион-дам олиш дастури.
 8.50 Олтин мерос.
 8.55 Иқлим.
 9.00 Сайлов - 204.
 9.10 "Янги авлод" студияси.
 Билагон маслаҳати.
 9.30 "Қочоқ велосипед". Мультифильм.
 9.40 Саломатлик сирлари.
 10.00 Очил дастурхон.
 10.20 Оҳанрабо.
 11.00 Сайлов - 204.
 11.10 Ҳарбий-ватанпарварлик ойлиги дастуридан:
 1. Аскар мактублари.
 2. "Парвоз". Видеофильм.
 11.50 "Маҳобҳорат". Телесериал.
 12.35 Хуш келибсиз!
 13.00 Сайлов - 204.
 13.10 "Ниҳол - 2004". Мусикий дастуру.
 13.30 "Ёр-ёр". Бадий фильм.
 14.40 Чемпион сирлари.
 15.00 Сайлов - 204.
 15.10 Ўзбекистон - куриллишлар мамлакатиди.
 15.30 Ёшлик наволари.
 15.40 "Қилни қирқ ёриб". Интеллектуал ўйин.
 16.30 "Ўзбектелефильм"

намойиши: "Ҳисор кўрикxonаси".
 16.45 Бугуннинг ёшлари.
 17.00 Сайлов - 2004 (инглиз тилида).
 17.10 Буюк келажак пойдевори.
 17.30 Кўрсатувлар дастури.
 17.35 "Янги авлод" студияси:
 Катта танаффус.
 18.00 "Томоша" болалар гуруҳи таклиф этади.
 18.25 Ишга марҳамат!
 18.30 Спорт ҳафтаномаси.
 18.45 ТВ-афиша.
 18.50 Мумтоз наволар.
 18.55, 21.55 Иқлим.
 19.00 Давр.
 19.20 Ватан ҳақида кўшиқлар.
 19.30 Сув - ҳаёт манбаи.
 19.35 Ҳаёт давом этади.
 19.55, 20.45 ЭЪЛОНЛАР.
 20.00 Жаҳон маданияти хазинасидан: "Маҳобҳорат" Телесериал.
 20.50 "Заковат". Интеллектуал ўйин.
 21.50 Олтин мерос.
 22.00 "Давр" ҳафта ичида.
 22.35 ТВ-анонс.
 22.40 "Қойилмақом саёҳат". Бадий фильм.
 0.05-0.10 Хайрли тун.

Спорт телеканаллари

7.30 "Хабарлар".
 7.45 "Бардам бўлинг". Тонгги дам олиш дастури.
 8.45 "Хабарлар" (Рус тилида).
 9.00 "Болалар спорти".
 9.20 "Қувнок стартлар".
 9.55 "Соғлом овқатланиш сирлари". Инглиз тилида.
 10.05 "Спорт - антракт". Россиянинг БИРИНЧИ КАНАЛИ.
 10.10 Д. Криловнинг "Йўлда ёзилмаган қайдлари".
 10.30 "Ҳамма уйдалигида".
 11.10 Муҳаббат ҳикояллари. М. Боярский.
"SPORT". ТЕЛЕКАНАЛИ.
 12.00 "Рақибингиз гроссмейстер".
 12.15 Волейбол.
 12.45 Жаҳон спорти: "Футбол".
 13.15 "Халқ ўйинлари".
 13.35-14.35 "Профессионал бокс тарихидан".

"SPORT". ТЕЛЕКАНАЛИ.
 16.55 Кўрсатувлар тартиби.
 17.00 "Хабарлар" (Рус тилида).
 17.15 "Бинафша".
 17.35 Теннис бўйича "Тошкент оупен" халқаро турнири.
 18.35 "ОИТСга қарши тадбир". Россиянинг БИРИНЧИ КАНАЛИ.
 18.50 "КВН-2004". Олий лига. Финал.
 21.00 "Время".
"SPORT". ТЕЛЕКАНАЛИ.
 21.45 "Хабарлар".
 22.00 "Спорт - менинг ҳаётим: Заҳирадаги спортчи".
 22.20 Жаҳон спорти: "Еврофутбол".
 24.00 "Тунингиз осуда бўлсин!"

Тошкент телеканаллари

17.10 Кўрсатувлар тартиби.
 17.20 Мультифильм.
 17.30 "Пойтахт" ахборот дастури.
 17.50 "Табриқлаймиз-кутлаймиз".
 18.00 "Эртақларнинг сехрли олами".
 18.30 "Пойтахт" ахборот дастури /рус/.
 18.50, 20.20 "Экспресс" телегазетаси.
 19.00 "Табриқлаймиз-кутлаймиз".
 19.30 "Тв плюс".
 20.00 "Пойтахт" ахборот дастури.
 20.30 "Билдирсой". Манзарали фильм.
 20.40 "Пойтахт" ахборот дастури /рус/.
 21.00 "Тенгдошлар".
 21.30 "Пойтахт" ахборот дастури.
 21.50 Кинонигоҳ: "Ойжон".
 23.10 "Пойтахт" ахборот дастури /рус/.
 23.30-23.35 Хайрли тун, шаҳрим!

30-й канал

9.00 Ойдини программаси
 9.05 "Теле-хамкор"
 9.25 "Детский час"
 9.50 Фильм детям: "Шаг с крыши", приключения
 11.20 "Теле-хамкор"
 11.40 "Дикая планета"
 12.50 "Мир машин"
 13.30 Хит-парад.uz
 14.50 Болалар соати
 15.45 Дневной кинозал: "Филин и кошечка" комедия
 17.25 "Теле-хамкор"
 17.45 "Музыкальная пауза"
 18.20 Киновечер на "30-м": "Плохие парни", остросюжетный фильм
 19.50 "Ошикона", мусикий дастури
 20.35 "Звездочёт", сериал
 21.35 "Теле-хамкор"
 21.55 "Музыкальная пауза"
 23.00 Воскресный киноветер на "30-м" "Последний из могикан", остросюжетный фильм
 00.00 Программа передач

ОРТ

6.00 Новости
 6.10 Мультисериал "Кошки-мышки"
 6.30 Остросюжетный фильм "Схватка"
 8.20 Служу Отчизне!
 8.50 Дисней-клуб: "Команда Гуффи"
 9.10 "В мире животных" с Николаем Дроздовым
 10.00 Новости
 10.10 "Непутевые заметки" с Дм.Крыловым
 10.30 Пока все дома
 11.10 "Любовные истории". Михаил Боярский
 12.00 Новости (с субтитрами)
 12.10 Живая природа. "Бездна".
 13.10 Жан-Поль Бельмондо в приключенческом фильме "Повторный брак"
 15.00 Дисней-клуб: "Мики Маус и его друзья"
 15.30 Сандра Баллок в комедии "Пока ты спал"
 17.30 Воскресный "Ералаш"
 18.00 Времена
 18.50 "КВН-2004". Высшая лига. Финал
 21.00 Время. Информационно-аналитическая программа
 21.45 Джулия Робертс, Ричард Гир в легендарном фильме "Красотка"
 24.00 Бокс. Бои сильнейших профессионалов мира. Лаймон Брюстер - Кали Михан
 1.00 Суперчеловек. "Мужчина и женщина". Фильм 3-й
 2.00 Энди Макдауэлл, Дрю Бэрримор в комедийном боевике "Плохие девочки"
 3.50 Майкл Мэдсон в приключенческом фильме "Ровно в полдень"

РТР

3:55 Комедия Эльдара Рязанова "Зигзаг удачи". 1968г.
 5:20 "Новогодняя песенка Деда Мороза". Мультифильм.
 5:25 "Колоссальное хозяйство"
 5:40 "Военная программа" Александра Сладкова.
 6:00 ВЕСТИ.
 6:10 МЕСТНОЕ ВРЕМЯ. ВЕСТИ-МОСКВА.
 6:20 "Студия "Здоровье".
 6:50 Всероссийская лотерея "ТВ Бинго шоу".
 7:15 "Диалоги о животных".
 8:05 "Вокруг света".
 9:00 ВЕСТИ.
 9:10 МЕСТНОЕ ВРЕМЯ. ВЕСТИ-МОСКВА.
 9:20 "Пирамида".
 9:50 "Городок". Дайджест. Развлекательная программа.
 10:20 "Сам себе режиссер".
 11:15 "Парламентский час".
 12:00 ВЕСТИ.
 12:20 "Фитиль №24". Сатирический тележурнал.
 13:05 Звезды России в игре "Форт Боярд".
 14:55 "Комната смеха".
 15:45 "Народный артист". Гала-концерт в Государственном Кремлевском дворце.
 18:00 "ВЕСТИ НЕДЕЛИ с Сергеем Брилевым".
 19:00 "Специальный корреспондент".
 19:25 Фильм "Идеальный шторм" (США). 2000г.
 22:00 ПРЕМЬЕРА. Джулиан Сэндз в триллере "Романса: охота на оборотня" (Испания). 2004г.
 0:00 Хизер Грэм в фильме "Наедине с убийцей" (США). 1996г.
 2:00 СЕРИАЛ ДЛЯ ПОЛУНОЧНИКОВ. "Клоун" (Германия). 1998 г.

НТВ

5:55 Детское утро на НТВ. Александр Леньков и Валентина Теличкина в фильме "ПО СЕКРЕТУ ВСЕМУ СВЕТУ"
 8:00 "СЕГОДНЯ"
 8:15 Детское утро на НТВ. "СКАЗКИ БАЖЕНОВА"
 8:40 "ИХ НРАВЫ"
 9:25 "ЕДИМ ДОМА"
 10:00 "СЕГОДНЯ"
 10:20 "АПЕЛЬСИНОВЫЙ СОК"
 10:50 "TOP GEAR". ПРОГРАММА ПРО АВТОМОБИЛИ.
 11:25 Маргарита Терехова, Юрий Назаров в фильме "ДАВАЙ ПОЖЕНИМСЯ"
 13:00 "СЕГОДНЯ"
 13:20 "ВОЕННОЕ ДЕЛО"
 13:55 Михаил Евдокимов, Валерий Золотухин, Ольга Остроумова, Лев Дуров в комедии "НЕ ВАЛЯЙ ДУРАКА..."
 16:00 "СЕГОДНЯ"
 16:20 "ДАЧНИКИ"
 16:55 СВОЯ ИГРА
 17:55 "СТРЕСС". Ток-шоу Александра Гордона
 19:00 "СЕГОДНЯ"
 19:40 "ЧИСТОСЕРДЕЧНОЕ ПРИЗНАНИЕ"
 20:10 ПРЕМЬЕРА. Сериал "ДАЛЬНОБОЙЩИКИ - II: ДЖИНГЛ БЕЛЛ"
 21:15 "ФАКТОР СТРАХА-III". Экстремальное шоу с Кириллом Набутовым
 22:15 ПРЕМЬЕРА. "ПОСЛЕДНЯЯ ВОЙНА ИМПЕРИИ". Фильм Генриха Боровика
 23:10 Шэррон Стоун, Уильям Болдуин, Том Беренджер в остросюжетном фильме "ЩЕПКА" (США)
 1:25 Клар Дэйнс, Шон Пенн, Хоакин Феникс в фильме "ВСЕ О ЛЮБВИ" (США-Япония-Швеция)
 3:20 Сериал "ДИКИЙ МИР. БОРЬБА ЗА ВЫЖИВАНИЕ: РУССКИЕ МЕДВЕДИ"
 4:00 "СЕГОДНЯ"
 4:10 Сериал "ДИКИЙ МИР. БОРЬБА ЗА ВЫЖИВАНИЕ: РУССКИЕ МЕДВЕДИ" (окончание)
 4:25 Паоло Вилладжио и Ренато Поццетто в комедии "КОМИКИ 3" (Италия)

ТВ 3

8.30 Жизнь в слове.
 9.00 Мультисериал "Мистер Бамп".
 9.30 Мультифильм "Рекс".
 10.00 "Мульти-пульти". Русские мультифильмы.
 10.30 "Мульти-пульти". Русские мультифильмы.
 11.00 Художественный фильм "РУСАЛОЧКА". Россия - Болгария, 1976.
 12.30 Художественный фильм "БЛИЗНЕЦ". Франция, 1984.
 15.00 "Голливуд On-Set". Программа 10-я.
 15.30 Окно в мир.
 16.00 Художественный фильм "ТАЙНЫ МАДАМ ВОНГ". Казахстан, 1985.
 18.00 Художественный фильм "СУПЕРШПИОН". США, 2000.
 20.00 Документальный сериал "Потрясающие каскадерские трюки".
 20.30 Документальный сериал "Секреты кино".
 21.00 Документальный сериал "Потрясающие каскадерские трюки".
 21.30 "Голливуд On-Set". Программа 12-я.
 22.00 Художественный фильм "БЕЗ СВИДЕТЕЛЕЙ". Россия, 1983.
 24.00 Художественный фильм "ЧИЧА". Россия, 1992.
 2.00 Телесериал "ИСТОРИИ О ПРИВИДЕНИЯХ". 23-я серия.
 2.30 Художественный фильм "ОПАСНЫЕ ГЕРОИ". США, 1994.

ТНТ

7.00 "НАША СЕКРЕТНАЯ ЖИЗНЬ-2". Молодежный сериал. 4-я серия.
 7.45 "Каламбур". Юмористический журнал.
 8.15 "АГЕНТСТВО НЛС". Иронический детектив. 9-я серия.
 9.05 "Фигли-Мигли". Юмористический журнал.
 9.30 "Маски-шоу". Комедия.
 10.00 "ТРОЕ ВОЛХВОВ". Комедия. Франция, 2001 г.
 12.40 "Сейлормун снова с нами". Аниме. 1-я и 2-я серии.
 13.25 "Маски-шоу". Комедия.
 13.55 "Каламбур". Юмористический журнал.
 14.25 "Фигли-Мигли". Юмористический журнал.
 14.55 "АГЕНТСТВО НЛС". Иронический детектив. 9-я серия.
 16.00 Реалити-шоу "Дом-2. Зимовка".
 17.00 "САША + МАША". Комедия.
 17.30 "Москва: инструкция по применению". Дайджест.
 18.00 "Школа ремонта". "Новый год в новой кухне".
 19.00 "Иерусалим - небесный город". Документальный фильм.
 20.00 "Запретная зона" с Михаилом Пореченковым. Ток-шоу.
 21.00 Реалити-шоу "Дом-2. Зимовка".
 22.00 "ТНТ-комедия": "САША + МАША".
 22.30 "ТНТ-комедия": "ЛЮБОВЬ НА ШЕСТЕРЫХ". 22-я серия.
 23.00 "ТНТ-комедия": "СМЕШНЫЕ И ГОЛЫЕ". 21-я серия.
 23.35 Реалити-шоу. Спец-включение "Дом-2. Зимовка".
 0.00 "Полночь на ТНТ": "Квартирка". 5-я серия.
 0.50 Микс фэйт: бои без правил.
 1.20 "Голод". Реалити-шоу. Выпуск 35-й.
 2.20 "ДОН КАМИЛЛО". Комедия. Италия, 1983 г.

ДТВ

9.35 Музыкальная программа "ZTV".
 10.35 Любимые мультифильмы.
 11.45 Программа о здоровье "Секреты Гиппократов".
 12.05 Программа для рыболовов "Серебряный ручей".
 12.25 Художественный фильм "ПРИГОВОР ВРЕМЕНИ".
 14.30 Премия ЭММИ 2004. Лучшее реалити-шоу "Удивительная гонка".
 15.30 Телесериал "СТРОГО НА ЮГ".
 16.30 Занимательная кулинария от Бочарика "Всегда готовы!"
 17.00 Реалити-шоу о корыстной любви "Джо - миллионер".
 18.00 Премьера! Телесериал "КРУТОЙ УОКЕР".
 19.00 Шоу рекордов Гиннеса.
 20.00 Сногшибательное кино! "КРОВАВЫЕ КУЛАКИ (КУНГ-ФУ)".
 22.05 Художественный фильм "ВОЗБУЖДЕНИЕ".
 24.00 Криминальный телесериал "С.С.I МЕСТО ПРЕСТУПЛЕНИЯ".
 24.55 Криминальный телесериал "С.С.I МЕСТО ПРЕСТУПЛЕНИЯ".
 2.00 Эротическая программа "Секс и все такое...".
 3.10 Художественный фильм "ЗЫБУЧИЕ ПЕСКИ: ВЫХОДА НЕТ".

СТС

8.00 "ТРИ ОРЕШКА ДЛЯ ЗОЛУШКИ". Художественный фильм для детей.
 9.30 "Винни-Пух и день забот". Мультипликационный фильм.
 9.50 "Пеппи Длинныйчулок". Мультифильм.
 10.20 "Смешарики". Мультифильм.
 10.30 "Остров черепах". Мультифильм.
 11.00 "Том и Джерри". Мультифильм.
 11.15 "Полундра!" Телеигра.
 11.45 "Том и Джерри". Мультифильм.
 12.00 Утро с Киркоровым. Гости программы - Надежда Бабкина.
 13.00 "Том и Джерри". Мультифильм.
 13.15 "ПИРАТСКИЕ ОСТРОВА". Сериал.
 13.45 "Том и Джерри". Мультифильм.
 14.00 "Жизнь прекрасна". Музыкальное ток-шоу. Ведущие - Лена Перова и Михаил Швыдкой.
 16.00 "Снимите это немедленно". Развлекательная программа с элементами реалити-шоу.
 17.00 "Титаник".
 18.00 "АГЕНТ НАЦИОНАЛЬНОЙ БЕЗОПАСНОСТИ". Сериал. "ТРАНЗИТ".
 19.00 Истории в деталях. Специальный выпуск.
 19.30 Кино на СТС. "МНЕ ХВАТИТ МИЛЛИОНА".
 21.30 "Смеха ради". Комедийная программа.
 23.00 Кино на СТС. "ПОЛИЦЕЙСКАЯ АКАДЕМИЯ-6. ОСАЖДЕННЫЙ ГОРОД".
 24.50 "ОСТОРОЖНО, ЗАДОВ! ИЛИ ПОХОЖДЕНИЯ ПРАПОРЩИКА". Многосерийная приключенческая комедия-фарс. "КЛАД ПУШКИНА".
 2.50 Кино в деталях.
 3.05 Кино на СТС. "ПЛАНЕТА КА-ПЭКС".
 5.15 Кино на СТС. "РАПСОДИЯ МАЙАМИ".

7 ТВ

7.00 8.00 9.00 16.30 20.00
 23.00 2.30 3.30 5.00 6.00
 Диалоги о рыбалке.
 7.30 8.30 9.30 14.00 20.30
 5.30 6.30 Линия жизни.
 10.00 14.30 19.30 Спортивные танцы.
 11.00 11.30 12.00 Веселые старты.
 12.30 Акробатический рок-н-ролл.
 13.00 Путеводитель по...
 13.30 21.10 2.00 Музыкальный трек.
 13.40 Профессиональный бокс: "101 великий нокаут".
 15.30 18.30 22.30 Ралли. Париж - Дакар.
 16.00 "Жиллетт-спорт". Тележурнал.
 17.00 19.00 22.00 Документальный фильм "Неизвестный спорт".
 17.30 21.30 3.00 Документальный фильм "История профессионального бокса".
 18.00 Звезда автострады.
 18.10 Музыкальный трек.
 21.00 Боксерский клуб.
 23.30 "Жиллетт-спорт". Тележурнал.
 24.00 Шоу футбольной Европы.
 1.00 Автоспорт. Сезон 2004. Кубок Porsche Carrera.
 2.10 Звезда автострады.
 4.00 Шоу футбольной Европы.

ОРТ, якшанба

02.00 "ЁМОН ҚИЗЛАР" ("ПЛОХИЕ ДЕВЧОНКИ").

Коди ва унинг уч дугонаси Анита, Эйлин ҳамда Лили - энгил табиатли қизлар. Улар шафқатсиз жазманларнинг камситиш ва ҳақоратларига узоқ вақт бардош бериб келишади. Бир куни бу хўрликларга чидай олмаган Коди Анитага нисбатан зулм ўтказайдигани учун маст полковникни ўлдиради. Энди ўлимга ҳукм этилиши мумкин. Аммо дугоналари уни огир аҳволда қолдирмай қочишига ёрдам берадилар. Тўрталови ҳаётини янгидан бошлаш учун Орегон штатига йўл олишади. "Ёмон қизлар" кетидан икки изкувар ҳам йўлга чиқишади.

Ролларда: Энди МакДауэлл, Мэдлин Стоу, Дрю Бэрримор, Мэри Стюарт Мастерсон ва бошқалар.



ТАБРИКЛАЙМИЗ!

Ўзбекистон Республикаси ИИБ ШТБИХ катта инспектори, подполковник **Фотима ЖУМАЕВА**ни юбилей ёши билан самимий муборакбод этамиз. Унга узоқ умр, сиҳат-саломатлик, тинчлик-хотиржамлик, шахсий ҳаётида улкан зафарлар ёр бўлишига тилакдошимиз.

Республика ИИБ раҳбарияти ва Шахсий таркиб билан ишлаш хизмати.

Республика ИИБ Санитария-эпидемиология назорати Бош марказининг лаборатория мудири **Маргарита ҚОСИМОВА**ни кутлуг юбилейи билан самимий муборакбод этамиз. Ҳамкасбимизга узоқ ва мазмунли умр, мустаҳкам саломатлик, оилавий хотиржамлик ва ишларида ютуқлар тилаймиз.

Республика ИИБ Тиббиёт бошқармаси жамоаси.

Тошкент вилояти ИИБ ЖК ва ТҚКБ бошлигининг ўринбосари, полковник **Тоҳир ҲАМИДЖОНОВ**ни муборак 50 ёшга тўлгани билан самимий кутлаймиз. Азиз ҳамкасбимизга узоқ умр, мустаҳкам соғлиқ, бардамлик, оиласига тинчлик ва хотиржамлик тилаб, яна кўп йиллар оила аъзолари, дўстлари ва ҳамкасблари бахтига даврамизни тўлдириб юришини Яратгандан сўраймиз.

Вилоят ИИБ раҳбарияти ҳамда ЖК ва ТҚКБ ходимлари.

Самарқанд вилояти ИИБ ходими, майор **Раҳмон Тўраев**ни тугилган куни билан табриклаймиз. Дўстимизга узоқ умр, сиҳат-саломатлик оилавий хотиржамлик ва ишларида катта ютуқлар тилаймиз.

Эҳтиром ила дўстлари.

Тошкент шаҳар Мирзо Улуғбек туманидаги 248-ўрта мактаб томонидан 1981 йилда **Надырова Кундус Нишанбаевна** номига берилган Г 257640 рақамли ўрта маълумот тўғрисидаги аттестат йўқолгани сабабли

БЕКОР ҚИЛИНАДИ

Тошкент шаҳар 18-қасб-хунар мактаби томонидан 2002 йилда **Миртолипова Зиёда Миртохировна** номига берилган 001259 рақамли диплом йўқолгани учун

БЕКОР ҚИЛИНАДИ

БИР КУЛИШАЙЛИК

Судья:

– Нима учун ажрашмоқчисиз?

Эр:

– Хотиним ётоғимизда эчки боқади. Бутун хона ичи сасиб кетди.

Судья:

– Унақада деразаларни очиб юборинг.

Эр:

– Ҳо, ёқмай қолсин, кейин ҳамма каптарларим учиб кетсинми?

Бир эркак киши полиция идорасига югуриб кириб, навбатчига деди:

– Қонун ҳимоячилари хузурига ўз хоҳишимга кўра айбимга икром бўлиб келдим.

– Нима иш қилиб кўйдингиз?

– Хотинимни урдим.

– Ўлиб қолдимми?

– Йўғ-е. Ақалли бирор жойи тилингани ҳам йўқ.

– Унақада ҳеч нарса қилмайди. Хотиржам уйингизга кетаверинг.

– Ахир, қандай қилиб? Хотиним идораларингизнинг эшиги олдида мени пойлаб турибди-ку!

Сичқон вино тўлдирилган стаканга тушиб кетиб чўка бошлади. Ноилож мушукка ялинди:

– Бароқвой, мени кутқар. Кейин нима қилсанг ҳам майли.

Мушук уни кутқарди. Сичқон қулай пайт топип инига кириб кетди.

– Ваъдага вафо қани? – алам билан сўради мушук.

– Э, мастликда нималарни ваъда қилмас экансан, – ўзини оқлади сичқон.

– Судланувчи, ҳали ҳам жабрланувчига фақат помидор отганингизни тасдиқлайсизми?

– Албатта.

– Унақада жабрланувчининг боши ва танасидаги жароҳатни қандай изоҳлайсиз?

– Помидорлар банкада эди...

– Буни қара! – деди бир одам газетадан бош кўтариб. – Биттаси хотинини судга берибди.

– Нега? – сўради шериги.

– Хотини ҳар тонг унинг ҳамёнини титкилаб, “тозалаб” кўяркан.

– Ҳм, тушунарли.... Нега газетанинг ўша жойини қирқиб олаяпсан?

– Ҳамёнимга солиб қўймоқчиман.

МУҲАЖЖИМЛАР БАШОРАТИ

Келгуси ҳафта учун



КҮЙ. Ҳафта жуда самарали кечади. Тўпланиб қолган куч-ғайратингизни кечиктириб бўлмас муаммоларни ҳал қилишга сарфланг. Душанба куни дам олинг, ўта зарурият тугилмаса, жиддий иш режалар ва битимлар тузманг. Сешанба куни агар зарурат тугилса, катта ютуқ келтирадиган режа тузишингиз мумкин.



СИГИР. Ушбу ҳафта мобайнида кўпчилик билан мулоқотда бўлиб, фойдали ахборотларга эга бўласиз. Олинган ахборотларни яхши ўзлаштириш учун вақти-вақти билан танаффус ҳам қилиб туринг. Юлдузлар дунёга янги назар ташлашингиздан ва аввалги ғояларингизни хиёл тузатиб қайта тиклашингиздан дарак беради. Оила аъзоларингиз ва дўстларингиз яқинда эришган муваффақиятларингизни муносиб баҳолай олмаса керак.



ЭГИЗАКЛАР. Ҳаётингиз яхши томонга ўзгаришини хоҳлайсизми? Унда муаммоларингизни ҳал этишни орқага сураверманг. Ҳозир, шу топда ҳаракат қилинг. Душанба – ҳафталик иш режангизни тузиш учун қулай кун. Уни амалга оширишни эса яхшиси сешанбадан бошланг. Ҳафтанинг иккинчи ярми фойдали, қизиқарли танишувлар ва алоқаларни мустаҳкамлаш учун қулай палла. Пайшанба куни оилавий режангиз чалкашиб кетиши мумкин.



ҚИСҚИЧБАҚА. Бутун ҳафта давомида тўрт томондан бошингизга танқид ёғилади. Сешанба куни мураккаб муаммони ечишингизга тўғри келади. Тўғри жавоб топсангиз, олдингизда янги истиқболлар очилади. Пайшанба куни раҳбарликни зиммангизга олишга ёки етакчилик мавқеини эгаллашга шошилманг, чунки ҳасадчилар ва ғанимларингиз хато қилишингизни кутиб туришибди.



АРСЛОН. Тўғри стратегияни танлай билсангиз ва бор куч-ғайратингизни ишга солсангиз, муваффақиятга эришасиз. Дангасалик қилсангиз ҳеч нарсага эришолмайсиз. Сешанба куни керакли ахборот ўзи сизга етиб келади. Беэтибор бўлсангиз, кейин афсусланасиз. Ҳафта ўртасида турли шивир-шивирларга, ҳасадчиларнинг оҳ-воҳларига эътибор берманг. Фақат олдинга қараб, мақсад сари интилинг.



БОШОҚ. Мақсадга эришиш йўлида бўш вақтингиздан ва режаларингиздан кечишингизга тўғри келади. Нимаики қилаётган бўлсангиз, келажақда ўз мевасини бериши сизга далда бўлади. Чоршанба куни масъул мувофиқлаштирувчи вазифасини зиммангизга олсангиз арзийди – шунда кўплаб қобилиятларингиз намоён бўлади. Жума куни яхшиси ҳалол ва ошқора иш тутинг: шундагина муаммолардан қутиласиз.



ТОРОЗИ. Ушбу ҳафтада сизни омадли учрашувлар ва нуфузли одамлар билан мулоқотлар кутади. Болаларингиз ва кўшнларингиз билан муносабатларингиз яхшиланиб кетади. Пазандалиқдан тортиб сеҳргарликкача – турли соҳаларда билим олишингиз учун қулай пайт келди. Қоғозбозлар ва қоғозбозлик сешанба куни анча вақтингизни олади. Пайшанба куни дўстларингиз ёрдам берса айни муддао бўлади.



ЧАЁН. Ҳаётдаги мақсадларингизни қайта кўриб чиқиш пайти келди. Энди етиб бўлмайдиган ёки қизиғи қолмаган мақсадларни унутиб, олдингизга янги мақсадлар қўйинг. Душанба куни ҳатто эски гулқоғозлар ҳам ғашингизга тегса керак. Ҳазабингизни атрофдагиларга сочманг. Сешанба куни қилинадиган янги тактифлар жуда қизиқарлидай туюлиши мумкин. Аммо улар на фойда ва на руҳий қониқиш келтиради.



ЁЙ. Ҳаётда кўплаб майда-чуйда кувончлар борки, уларни бошқалар билан ўртоқлашмасангиз, гуноҳ бўлади. Айниқса, ҳозир шу тарзда оддий танишларингизни яқин дўстларингизга айлантиришингиз мумкин. Чоршанба куни куч-ғайратингиз ошиб-тошади, буни бутунлай Бош мақсадингизга эришиш йўлида сарфланг. Шанба куни оила аъзоларингизнинг ҳаётини тубдан ўзгартиришдан аввал уларни бундан хабардор қилинг.



ТОҒ ЭЧКИСИ. Бу ҳафта янги ғояларингизни ҳамкасбларингиз билан ўртоқлашинг. Шунда режаларингиз жамоангизни жасоратга чорлайди, бошлиқларингиз эса буну муносиб баҳолайди. Аммо лавозимингизнинг ошиши вазифаларингиз ҳам кўпайишига олиб келади. Мабодо тасодифан бирор-бир сирдан воқиф бўлсангиз, уни ҳеч кимга ошқор этмасликка ҳаракат қилинг.



ҚОВҒА. Ҳафта дўстлар билан мулоқотга, қисқа муддатли, кўнгилли сафарларга бой бўлади. Янги орттирган танишларингиздан бири нуфузли амалдор бўлиб чиқади. Бу сиз учун фойдадан ҳоли бўлмайди. Сешанба куни ойнадаги аксингиз кайфиятингизни бузса, демак ўзингизга қараш пайти келди, яъни соч турмагингизни ўзгартиринг, кийим-кечагингизни янгиланг.



БАЛИҚ. Ушбу ҳафта вазиятга қарши курашишга уринманг. Яхшиси оқим бўйлаб сузаверинг – ҳозирги ҳолатда энг қулайи шу. Пайшанба куни кўчмас мулк билан боғлиқ узоқ муддатли ишларни режалаштирманг. Жума куни ҳамкасбларингиз билан суҳбатлашиш асносида улар сизни тўғри тушунишларига амин бўласиз. Бу келажақда учраши мумкин бўлган қийинчиликларнинг олдини олиш имконини беради.


Нимтабассум



Биз янги йилни кутиб олишга тайёрмиз!



Янги йил дастурхонига совға.



Янги йил мўъжизаси

СПОРТ+ФУТБОЛ



Ха, бугун ҳар бир футбол мухлисини ўйлантираётган савол сарлавҳамизда ўз аксини топган бўлиши мумкин. Чунки жаҳон чемпионатида ўз юрти терма жамоасининг иштирокини кўриш мухлисларнинг юксак орзусидир. Бу йўлда дастлабки қадам қўйилди. Вакилларимиз биринчи саралашдан муваффақиятли ўтиб олишди.

УЧИНЧИ УРИНИШ ҚАНДАЙ ЯКУН ТОПАДИ?

Ўтган ҳафта футбол мухлисларининг нигоҳи Малайзия пойтахти Куала-Лумпур шаҳрига қаратилди. Бу ерда ҳал қилувчи саралаш баҳсларига қуръа ташлаш маросими бўлиб ўтди. Қуръа натижаларига кўра, Ўзбекистон терма жамоаси "А" гуруҳида Жанубий Корея, Саудия Арабистони, Қувайт футболчиларига қарши тўп сурайдиган бўлди.

Келинг, шу ўринда терма жамоамизнинг жаҳон чемпионатларидаги қатнашувига бир назар солсак. Мустақил юртимиз вакиллари жаҳон чемпионати саралаш баҳсларида илк бора 1997 йилда майдонга тушганди. Биринчи саралашдан муваффақиятли ўтган футболчиларимиз, кейинги босқичда Япония, Жанубий Корея каби кучли терма жамоалардан доғда қолганди. Бунинг сабаблари ҳозирча баҳс-мунозараларга сабаб бўлиб келмоқда. Кимдир мураб-

бийни айбласа, яна кимдир айбни футболчиларнинг ўзларидан кидиришади.

Иккинчи уринишда 2002 йилги жаҳон чемпионати арафасида гуруҳдаги энг кучли жамоалардан саналган вакилларимиз битта ўрин учун курашда биринчи саралашдан муваффақиятли ўтди. Бироқ сўнгги ҳал қилувчи паллада Владимир Сальков мураббийлик қилган терма жамоамиз хитойликларга йўлланмани бой берганди. Боз устига, қолган яримта йўлланма учун курашда ҳам БАА футболчиларга тенг келолмадик. Ўшанда футболчилар учун "барча шароитлар муҳайё этилиб, ЎФФ терма жамоа мураббийларидан жаҳон чемпионати йўлланмасини кутишга ҳақли эди. Аммо мураббийнинг тактика бора-сидаги хатолари бизга кимматга тушганди. Ҳал қилувчи баҳслардан бирида сарфарда ўйнаган футболчи-

римиз 2:0 ҳисобида олдинда бора туриб, охирида 4:2 ҳисобида имкониятни бой берганди. Бу ўйин Уммон терма жамоасига қарши ўтказилганди. Алал-оқибат ҳали имконият бўла туриб, Владимир Сальков ўз юртига жуфтани ростлаганди.

Учинчи уринишда футболчиларимиз имкониятни анча юқори баҳоланмоқда. Сабаби, гуруҳда тўп сурайдиган Жанубий Корея, Саудия Арабистони, Қувайт терма жамоалари икки яримта йўлланма учун курашади. Футболда "тўп думалоқ - майдон текис" деган ибора бор. Қайси терма жамоа баҳсларига пухта ҳозирлик кўрса, ўша жамоа голибликни қўлга киритиши мумкин.

Учрашувлар тақвими эса қуйидагича:

9 феврал Ўзбекистон – Саудия Арабистони
25 март Қувайт – Ўзбекистон
30 март Жанубий Корея – Ўзбекистон
3 июн Ўзбекистон – Жанубий Корея
8 июн Саудия Арабистони – Ўзбекистон
17 август Ўзбекистон – Қувайт

Бу гапга ўтган Европа чемпионати, Олимпиада ўйинларидаги натижалар ҳам мисол бўла олади. Кўҳна қитъа чемпионати аввалида ким ўйлабди Греция терма жамоасининг чемпион бўлишини! Хуллас, футболда ҳамма нарса бўлиши мумкин.

Терма жамоамиз рақибларига келсак, уларни кучсиз деб аташга асос йўқ. Чунки кундан-кун тараққий этаётган қитъамиз футболда ҳар нарса бўлиши мумкин. Жанубий Корея футболчилари баъзилар томонидан "фаворит" саналаётган бўлсада, барча терма жамоалар имкониятини тенг баҳолаш адолатдан бўлур эди. Саудия Арабистони устидан Осиё чемпионатида эришилган кичик ҳисобдаги ғалаба футболчиларимизга руҳий далда бўлиши тайин. Шу ўринда учинчи уриниш терма жамоамиз учун омадли келишини чин дилдан истаб қолардик. Ва бунинг учун барча имкониятлар етарли. Қолаверса, халқда "учинчиси омадли келади" деган ибора бор.

КУРАГИНГИЗ ЕРГА ТЕГМАСИН

Ўзбек кураши дунёга юз тутганига унча кўп вақт бўлгани йўқ. Шу қисқа фурсат ичида кўплаб нуфузли мусобақалар, Жаҳон, Осиё ва Европа чемпионатлари ўтказиб келиняпти.

Жорий йилнинг сўнгги ойида ҳам нуфузли мусобақалар бўлиб ўтади. 16-19 декабрь кунлари кураш бўйича Осиё чемпионати баҳслари старт олади. Эронда ўтайдиган мусобақаларда юртимиз шарафини Тўрабой Ўтоев, Шерали Тўраев, Рамзиддин Саидов, Давлат Чориев ва Икром Нуриллаев сингари полвонларимиз ҳимоя қилади.

Куни кеча Грециянинг Салоники шаҳрида ўзбек кураши бўйича IV Европа чемпионати бўлиб ўтди. Унда кўҳна қитъанинг 20 дан ортиқ мамлакатидан полвонлар етти вазн тоифасида баҳс юритдилар.

Тошкент шаҳрида ўсмирлар ўртасида эркин кураш бўйича мамлакат чемпионати бўлиб ўтди. Унда 84 килограмм вазнда нукуслик динамочи Валентин Воробьев ярим финалда пойтахтлик, финал босқичида самарқандлик курашчиларни енгиб, 1-ўринни эгаллади ҳамда олтин медаль соҳибига айланди.



ЧЕМПИОН – ҚОРАҚАЛПОҚ ЎҒЛОНИ

Ўзбекистон чемпиони бўлиб етишган ёш спортчида дастлаб, Б. Ўразбаев, сўнгра А. Шарашенидзелар мураббийлик қилишган. В. Воробьев ҳозирда Қорақалпоқ Давлат университетининг иқтисод факультетида таҳсил олмоқда.

Ўзбекистон чемпионини Қорақалпоғистон Республикаси Ички ишлар вазири, полковник М. Бабаниязов табриклариб, "Динамо" ФСЖнинг дипломи ва қимматбахо совғаларни топширди. Эндиликда В. Воробьев Ўзбекистон терма жамоаси таркибида халқаро мусобақаларда қатнашиш учун қизгин тайёргарлик кўрмоқда.

Жуманиёз ОТЕНИЯЗОВ,
майор.

Суратда: Ўзбекистон чемпиони Валентин Воробьев.
А. ПАХРАТДИНОВ олган сурат.

“ПАХТАКОР” ВА “НЕФТЧИ”НИНГ РАҚИБЛАРИ МАЪЛУМ

Бошқа қитъаларда бўлгани каби Осиёда ҳам Чемпионлар лигаси баҳслари ўтказиб келинади. Мазкур мусобақанинг 2005 йилги баҳсларида қатнашадиган жамоалар ўртасида қуръа ташлаш маросими бўлиб ўтди.

Қитъамизнинг ўн тўрт мамлакатидан етакчи жамоалар иштирок этадиган мусобақаларда клублар етти гуруҳга бўлинган ҳолда голиблик учун кураш олиб боради. Фақат гуруҳ голибларигина кейинги босқичга йўл олади. Уларга амалдаги чемпион "Ал-Иттиҳод" кўшилади.

Қуръа натижаларига кўра, мамлакатимиз чемпиони "Пахтакор" "Д" гуруҳидан ўрин олди ва "Ал-Заура" (Ирок), "Ал-Жами" (Сурия), "Ал-Аҳли" (Саудия Арабистони) жамоалари билан кураш олиб боради. Яна бир вакилимиз Фарғонанинг "Нефтчи" жамоаси "С" гуруҳида "Ал-Аҳли" (БАА), "Ал-Саду" (Қатар), "Қувайт" жамоалари билан тўп суради.

КЛИЧКО КАМАРИНИ САҚЛАБ ҚОЛДИ

Профессионал бокснинг WBC йўналиши бўйича жаҳон чемпиони Виталий Кличко британиялик Дэнни Уильямсга қарши навбатдаги жангини ўтказди.

Жанг аввалида мутахассислар Виталийнинг имкониятларини юқори баҳолашганди. Тахминлар тўғри бўлиб чиқди.

Лас Вегаснинг "Mandalay Bay" казиносида бўлиб ўтган жанг у рақибни устидан саккизинчи раундда техник нақаут билан ғалаба қозонди. Жанг давомида Кличко рақибини уч марта нақдоун ҳолатига тушириб қўйди. Шундай қилиб, Виталий Кличко WBC йўналишида чемпионлик камарини ўзида сақлаб қолди.

Таъкидлаш жоизки, ушбу учрашувда қатнашган Дэнни Уильямснинг вазни 122,5 килограмм, Виталий Кличконинг оғирлиги эса 113,4 килограммни ташкил қилган. Уларнинг умумий оғирлиги – 235,9 килограмм WBC йўналиши, умуман бокс тарихида энг оғир бўлган яна бир ҳолат. Виталий Кличко собиқ иттифоқ ҳудудида бокснинг энг оғир вазни бўйича чемпионлик камарига сазовор бўлган биринчи боксчидир. Энди у камарини сақлаб қолган боксчи сифатида ҳам тарихдан жой олади.

Сўнгги маълумотларга кўра, Виталийнинг навбатдаги рақибни WBA йўналиши бўйича амалдаги чемпион Жон Руис бўлиши мумкин. У Кличко билан учрашиш нияти борлигини билдирган.

КУБОК СОҲИБИ – “ПОРТУ”

Ҳар йили бир марта ўтказиладиган Қитъалараро кубок баҳслари бу йил сўнгги марта ўтказилди. Сабаби, келгуси йилдан бошлаб клублар ўртасидаги жаҳон чемпионати баҳслари бошланади.

Ўтган мавсум Европа Чемпионлар лигаси баҳсларида зафар кучган Португалиянинг "Порту" клуби бу сарфари Қитъалараро Кубокда Колумбиянинг "Онсе Кальдас" жамоаси устидан ғалаба қозониб, кубокнинг абадий соҳибига айланди. Футбол мухлислари ушбу ўйинлар орқали Европа ва Жанубий Америка футбол орасидаги ўхшашлик ва фарқли томонини кўриш бахтига мушарраф бўлишганди. Сўнгги беш йил мобайнида кўҳна қитъа вакиллари, "Реал" (икки марта) "Милан", "Бавария", "Манчестер Юнайтед" футболчилари қандай кучга эга эканликларини америкаликларга намойиш этишди.

"Йокогама" ўйингоҳида 50 минг томошабин қаршисида кечган ушбу ўринда "Порту" футболчилари 8:7 ҳисобида пеналтилар бўйича голиб чиқди.



“ОЛТИН ТЎП” АНДРЕЙ ШЕВЧЕНКОДА!

Ҳар соҳада бўлгани каби футбол оламида ҳам йил якунларига кўра жаҳон, қитъа ва мамлакатлар чемпионатларида энг яхши натижалар кўрсатган футболчилар номи аниқланмоқда.

"Франс футбол" ҳафтанома таъсис этган "Олтин тўп" "Милан" клубининг украиналик ҳужумчиси Андрей Шевченкога насиб этди. Ушбу соврин голиби футбол журналистлари ўртасида ўтказилган сўровномада аниқланган Андрей Шевченко бразилиялик Роналдиньо ҳамда "Арсенал" ҳужумчиси Тьерри Анриларни ортда қолдириб, ушбу совринни қўлга киритган. Эслатиб ўтамиз, украиналик футболчи ўз мамлақати тарихида ушбу совринни қўлга киритган учинчи ҳужумчидир. Ундан аввал "Олтин тўп"ни Олег Блохин ҳамда Игорь Белановлар қўлга киритганди.

Осиё қитъасида эса йилнинг "Энг кучли футболчиси" деб эронлик Али Каримий тан олинган. ОФК томонидан ўтказиб келинган сўровномада ўтган йили ҳам эронлик футболчи голиб чиққанди. "Гамбург" клуби вакили Мехзи Махдавикия бу ҳолдан хурсандлигини изҳор этиб, футбол нашрларидан бирига шундай деган: "У ҳақли равишда муносиб деб топилди. Али Осиё кубгида ҳам энг яхши футболчилардан бўлган эди, шунинг учун ОФК жуда тўғри қарорга келди. Ўйлайманки, йиллар ўтган сари эронлик футболчилар зўрларнинг зўри бўлиб бораверади".

Абдулҳай ЮНУСОВ.

Sportlotto

1970 йилдан бери Lotereyasi

150-ТИРАЖ
15.12.2004

106689 чипта 162807 вариантда
иштирок этди.

ЮТУҚ ЧИҚҚАН РАҚАМЛАР

13 9 26 23 33 24

6 та рақам – йўқ.

5 та рақам – 19 чиптанинг 19 вариантыда тўғри топилган. Уларнинг ҳар бирига 68550 сўмдан берилади.

4 та рақам – 594 чиптанинг 652 вариантыда тўғри кўрсатилган. Уларнинг ҳар бирига 3995 сўмдан берилади.

151-тираж учун

ЖЕК ПОТ 41.776.672 сўм

«Sportlotto» Ўзбекистон—Америка қўшма корхонаси

ТАДБИР

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги ва "Ўзбекистон темир йўллари" давлат акциядорлик темир йўл компанияси томонидан жорий йилнинг 1 декабридан 30 декабрига қадар мамлакатимизда "Диққат, темир йўл кесишмаси!" ойлиги ўтказилмоқда. Бундан кўзланган асосий мақсад йўл-транспорт ҳодисаларнинг ол-

дини олиш, темир йўл кесишмаларида ҳаракат хавфсизлигига раҳна солувчи ҳолатларни бартараф этишдан иборат.

Бу тадбирга биргина ЙХХБ ва темир йўл кесишмаларига эга бўлган корхона, ташкилот ходимлари эмас, балки кенг жамоатчиликни фаол иштирок этишга чақирамиз.

«ДИҚҚАТ, ТЕМИР ЙЎЛ КЕСИШМАСИ!»

Сурхондарё вилояти-нинг Шўрчи тумани ҳудудидаги "Элбаён-Шўрчи" бекатлари оралигидаги темир йўлнинг 4557 километрида фожиали автотранспорт ҳодисаси содир этилди: Ж. Хўжамиёров номли ширкат хўжалигида яшовчи фуқаро М. Ботир ўз бошқарувида бўлган "Газ-24" русумли автомашинасида поезд билан тўқнашиб кетди. Натижада ҳайдовчи ва унинг ёнида бўлган фуқаро оғир тан жароҳати олганлар. Бундай воқеа-ҳодисаларнинг олдини олиш мақсадида мамлакат миқёсида 1 декабрдан

31 декабргача "Диққат, темир йўл кесишмаси!" ойлик тадбири ўтказилмоқда.

Белгиланган режаларга кўра темир йўл кесишмаларига махсус йўл белгилари ўрнати-

либ, мавжудлари таъмирланди. Барча автотранспорт корхоналари, жамланмаларида, мактаблар, маҳаллалар фуқаролари ҳузурида йўл ҳаракати қоидалари, хусусан, йўл белгилари



талабларига амал қилиш борасида суҳбатлар ташкил қилинмоқда. Ойликни намунали ўтказиш мақсадида бу ишга жамоатчи автоинспекторлар, маҳалла фаоллари ҳам жалб қилинган. Ички ишлар тизимининг барча тармоқларига тегишли кўрсатмалар берилган.

Автотранспортлар ҳамда фуқаролар томонидан темир йўлларни кесиб ўтишда ҳаракат хавфсизлиги қоидаларига риоя қилиниши турли фалокатларнинг олдини олишини асло унутмайлик.

Кенжа МАМАНОРОВ,
Сурхондарё вилояти ИИБ
ЙХХБ катта инспектори,
капитан.

Суратда: йўловчи поезд билан тўқнашиб кетган автомашинанинг аҳволи...

Хабар

ЯНГИ БИНО – ЯНГИ ИМКОНИЯТЛАР ДЕМАК

Республика ИИБ ППХ ва ЖТСББнинг элчихоналарни қўриқлаш бўйича алоҳида батальони ўтган асрнинг 90-йилларида ташкил этилган эди. Ўшанда бўлинмада йигирма нафарча ходим хизмат қиларди. Ўтган давр ичида шахсий таркиб сони сезиларли даражада кўпайди. Анчадан буён батальон учун янги бино зарурлиги ходимларни жойлаштириш шарт-шароитларини яхшилаш масаласи кун тартибиде турарди.

Шу йил декабрь ойида тўлиқ таъмирланган янги хизмат биноси фойдаланиш учун топширилди. Хўш, бу жойнинг афзалликлари нимада? Аввало, бино кенг, шинам. Энди батальоннинг ҳар бир бўлинмаси ўз хонасига эга. Катта, ёруғ мажлислар зали, ошхона, машғулот хоналари, тренажёр зали ходимлар хизматида.

– Хизмат вазифасини бажариш чоғида ҳалок бўлган ходимларга атаб хотира бурчаги ҳам ташкил этяпмиз, – дейди батальон командирининг ўринбосари, капитан О. Йўлдошев. – Хизматимиз шундайки, ходимларни тез-тез бир жойга йиғишнинг иложи бўлавермайди. Шунинг учун шахсий таркиб билан ишлашнинг ҳар бир имкониятидан унумли фойдаланишга ҳаракат қилияпмиз. Энди-янги бинога кўчганимиздан кейин янги имкониятлар кўпаяди деб умид қиламиз.

Ўз мухбиримиз.

Хизматларда

ХАЛҚ МУЛКИ ИШОНЧЛИ ҚўЛЛАРДА

Навоий вилояти республикамиздаги ривожланиб бораётган йирик ишлаб чиқариш ва саноат марказларидан бири ҳисобланади. Вилояти-мизда Тоғ-кон металлургия комбинати, "Навоийазот", "Қизилқумцемент" очик акциядорлик жамиятлари ва бошқа корхоналар тўла қувват билан ишлаб турибди. Уларнинг тўлақонли фаолият юртишларида қўриқлаш хизматининг ҳам муносиб ҳиссаси бор.

Навоий вилояти ИИБ ҳузуридаги қўриқлаш бўлими ва унинг жойлардаги бўлинмалари давлат миқёсидаги шартномалар асосида корхона, муассаса, турли хил мулкчилик шаклидаги ташкилотлар, шунингдек, фуқароларнинг шахсий мулкларини қўриқлаб келишяпти. Маълумки, "Қўриқлаш" бўлинмалари молия-хўжалик фаолиятини ўз ўзини маблағ билан таъминлаш асосида амалга оширади.

Хизматни янада ривожлантириш концепцияси эса давлат, жамоат, шахсий ва бошқа мулкчилик шаклидаги моддий бойликларнинг ишончли қўриқланиши учун илмий-техник тараққиёт ютуқларини кенг жорий қилишни талаб этади.

Қўриқлаш бўлими шахсий таркиби вилоятдаги тезкор вазиятни барқарорлаштириш, жамоат тартибини сақлаш ва фуқаролар хавфсизлигини таъминлаш борасида ҳам маълум ишларни амалга оширмоқдалар. Улар томонидан 2004 йилнинг ўтган даври мобайнида жиноят содир этганликда гумондор сифатида 177 нафар шахс навбатчилик қисмларига келтирилди ва уларнинг 104 нафарига нисбатан жиноий иш кўзғатилди. Қўриқланаётган объектларда майда ўғриликлар содир этгани учун 1500 нафардан ортиқ шахс ушланди ва улардан 28 млн. 194 минг сўмликдан зиёд моддий-товар бойликлари олиниб, мулк эгаларига қайтарилди ҳамда ушбу ҳуқуқбузарлардан судлар томонидан уч миллион сўмга яқин жарима ундирилди. Вилоят ҳудудида ўтказилаётган тадбирлар давомида ходимларимиз 11049 та ҳар хил кўринишдаги маъмурий ҳуқуқбузарликларга

нисбатан ҳужжатлар расмийлаштириб, уларга қонуний чоралар кўрилишга эришдилар.

Қўриқланаётган иншоотларда содир этилаётган ўғриликлар ҳам вақтида фош қилиняпти. Масалан, 2004 йил 9 февраль куни "Навоийазот" ишчиси С. Раҳматов корхонадан 7,5 кг вазндаги умумий нархи 20 минг 800 сўмлик нитрон толаларини яширин равишда олиб чиқаётган пайтида ушланган. Автокорхона ишчиси Б. Асқаров иш жойидан умумий нархи 4500 сўмлик электродларни яширин равишда олиб чиқаётган пайтда тутилган.

Жиноятларни "иссиғида" фош этишда қўриқлаш хизматининг асосий йўналишларидан бири ҳисобланган марказий пульта орқали қўриқлаш соҳасининг улуши каттадир. Бугунги кунда марказий қўриқлаш пульта-ри замонавий техникалар билан жиҳозланган, ташвиш сигналлари тушган жойларига қисқа вақт ичида етиб бориш ва

жиноий тажовузларни бартараф этиш учун қўлга олиш гуруҳлари керакли автотранспорт воситалари билан таъминланган.

Аммо барибир инсон омили биринчи ўринда туради. Хизмат самараси кўп жиҳатдан ходимларимизнинг касб маҳоратига, сезирлигига боғлиқ. "Навоийазот" ОАЖни қўриқловчи батальон ходимлари, сержант Х. Тешаев ва Н. Қодировлар томонидан олиб берилган яширин кузатувлар жараёнида шу йил 20 март куни соат 14.00ларда вагонлар тўхтаб туриш майдончасидаги селитра ўғити юкланган вагоннинг остки қисмини тешиб, тўкилган ўғит маҳсулотларидан бир қоп солиб олиб кетаётган пайтида фуқаро Ихтиёр Ҳамидов далилий ашё билан ушланди. Шу ердан нархи 66782 сўмлик 24 та полиэтилен қопларга солинган аммиакли селитра ўғити далилий ашё сифатида олиниб, Навоий шаҳар ИИБ ходимлари

билан ҳамкорликда ҳужжатлаштирилди.

Иншоотларни ишончли қўриқлаш, ёнғин ва бошқа хавфли ҳаракатларнинг олдини олишда замонавий техника воситаларини қўллаш ўз самарасини бермоқда. Қўриқлаш асбобларининг кўплари эса республикамизда ишлаб чиқарилмайди. Хусусан, бугунги кунда Германия, АҚШ, Россия, Италия каби мамлакатларда ишлаб чиқарилган сигнализация воситаларини харид қилиб, хизматга тадбиқ этияпмиз. Шахсий таркибнинг техник тайёргарлигини оширишга ҳам катта эътибор беряпмиз, албатта.

Юртимизда юз бераётган муҳим ўзгаришлар ички ишлар идораларида олиб борилаётган ишлар сифатини янада яхшилашни тақозо этмоқда. Шу боис "Қўриқлаш" бўлинмалари ходимларининг маънавий савиясини оширишга эътиборни кучайтириб, тарбиявий ишларни пухта ташкил этиб, уни изчиллик билан олиб боряпмиз. Асосий мақсад ўз ҳаётини ички ишлар идоралари хизмати-га бағишлаган ҳар бир ходимимиз Ватанга, халққа, хизмат бурчига чексиз садоқатли, мард ва фидойи бўлишга эришмоқликдан иборат.

Мамасоли УРАЛОВ,
Навоий вилояти ИИБ ҳузуридаги
қўриқлаш бўлими бошлиғи,
подполковник.

Республикамизда ёнгин хавфсизлиги ойлиги якунланди

ТАДБИРЛАР ДАВОМ ЭТАДИ, НАЗОРАТ КУЧАЙТИРИЛАДИ

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг фармойишига асосан мамлакатимизда 10 ноябрдан 10 декабргача ёнгин хавфсизлиги ойлиги ўтказилди. Тадбирнинг якуний хулосалари бу муҳим ишга жойларда жиддий эътибор билан қаралгани, маҳаллий ҳокимликлар, ўзини-ўзи бошқариш органлари ва кенг жамоатчилик ҳам катта ёрдам берганини кўрсатди. Вилоят, туман ва шаҳарлар ҳокимликларидан ойлик тадбирларини ўтказиш бўйича тузилган ишчи гуруҳларининг фаолияти тўғрисида ҳам илиқ гаплар айтиш мумкин. Ҳар ўн кунликда натижаларнинг якуни ҳокимликларда кўриб чиқилгани, ёнгин хавфсизлиги қоидаларига риоя этмаётган, бу муҳим тадбирга беписанд қараётган раҳбарлар, мутасадди ходимларга нисбатан маъмурий ва интизомий чоралар кўрилгани ойликни ўтказишнинг аҳамиятини янада оширди.

Ёнгин хавфсизлигини таъминлаш фақат соҳа ходимларининг иши бўлибгина қолмай, ҳар бир фуқаронинг бурчи эканлигини ҳамюртларимизнинг тушуниб етаётганлари қувонардир. Ойлик якунларига назар ташлар эканмиз, бунинг амалий исботини ҳам

кўриш мумкин. Тадбир давомида ёнгинлар сони ўтган йилнинг шу даврига нисбатан сезиларли даражада камайди. Шунинг ўзи фуқароларимизнинг масъулият билан ёндошганларини кўрсатади.

Гарчи кўрсаткичлар ўтган йилнинг шу даврига нисбатан ижобий томонга анча фарқ қилса-да, бу билан хотиржам бўлиш, ишни қойиллатдик дейишдан йироқмиз. Тадбир давомида давлат ёнгин назорати ходимлари томонидан ўтказилган текширувлар натижалари бу борада хали амалга оширилиши керак бўлган ишларнинг

кўлами оз эмаслигидан далолат беради. Асосий эътиборни аҳоли турар жойларда ёнгин хавфсизлиги қоидаларига риоя этилишининг аҳолига қаратишимиз, аниқроғи мунтазам текширувлар олиб боришимиз керак бўлади. Чунки ёнгинларнинг кўпчилиги айнан турар жойларда рўй бераётгани сир эмас.

Ёнгин рўй берганда саросимага тушмай, дастлабки чоратадбирлар кўриш офатни даф этишда катта аҳамиятга эгаллиги тажрибалардан маълум. Шунинг учун ҳам ойлик давомида қишлоқ, маҳалла, корхона, ташкилот ва муассасаларда ўтка-

зилган учрашув ва суҳбатларда фуқароларга, болаларга ёнгин рўй берганда ўт ўчирувчилар келгунга қадар қилиниши лозим бўлган ишлар тушунтирилди, улар иштирокида амалий машғулотлар ўтилди.

Ҳар қандай офатни, жумладан, ёнгиннинг олдини олиш билан унинг аянчли оқибатларини даф этиш мумкин. Бунинг учун эса ҳар бир уй, бино ва иншоотда ёнгин хавфсизлигини таъминлайдиган чоратадбирлар кўрилган бўлиши керак. Ойлик давомида ходимларимиз жойларда бунга қандай амал қилинаётганини

синчковлик билан текширувдан ўтказдилар. Гарчи кўп жойларда бу ишга эътибор билан қаралаётган бўлса-да, айрим уйларда, корхона, ташкилот ва муассасалар биноларидаги ахвол қониқарсиз ҳолатда эканлиги ташвишлидир. Айбдор фуқаролар, мансабдор шахсларга нисбатан тегишли чоралар кўрилди, жарималар солинди. Бироқ офат кунда эмас кунда рўй беради. Жарима тўлаш билан уни даф этиб бўлмайди, албатта.

Ойлик якунлари бўйича ютуқ ва камчиликлар тўғрисида кўп гапириш мумкин. Лекин бу билан бизнинг хизматимиз тугади, дегани эмас. Шунингдек, фуқароларимизнинг ҳам хотиржам бўлишларига ўрин йўқ. Чунки аёзлик кунлар олдинда. Ёнгинларнинг асосий қисми айнан қиш ойларида рўй беришини ҳисобга олиш лозим. Ойлик давомида аниқланган камчиликлар бартараф этилмас экан, ёнгин хавфсизлиги таъминланди деб айтолмаймиз. Шунинг учун ҳам жойларда ёнгин хавфсизлиги қоидаларининг бажарилишини текшириш давом этаверади, назорат эса кучайтирилади.

НИҒМАТИЛЛА ШОДМОНХОЖИЕВ,

Республика ИИБ ЁХБ бошлиғи ўринбосари, полковник.



“Ёшлиқда олинган билим-тошга ўйилган нақш” дейишди доно кексаларимиз. Инсонга ёшлигидан ёнгин хавфсизлиги қоидалари ўргатилса, бу тезда ўз самарасини беради. Қолаверса, қатор ёнгинларга айнан болаларнинг назоратсиз қолиб, ўт ўйнаши сабаб эканлиги ҳеч кимга сир бўлмас керак. Шунинг учун Навоий вилоятидаги таълим муассасаларида таҳсил олаётганлар ўртасида бу борадаги тушунтириш ишларига катта эътибор берилмоқда.

Суратда: вилоят ИИБ ЁХБ катта муҳандиси, капитан Усмон Пошоннов мактаб ўқувчилари билан ёнгин хавфсизлиги қоидалари бўйича суҳбат ўтказяпти.

НИГОРА РАҲИМОВА,
капитан.

ҚАРШИ. Қашқадарё вилояти ИИБ ёнгин хавфсизлиги хизматининг фахрийлари ойлик давомида ўзлари яшаб турган ҳудудларда ёнгин хавфсизлиги хизмати ходимларига яқиндан ёрдам бердилар. Қишлоқ, маҳалла, шунингдек, мактаб ва бошқа таълим масканларида уюштирилган суҳбатлар ва учрашувларда ёнгин офатининг аянчли оқибатлари ҳақида гапирдилар. Яқинда фахрийларнинг бу хизматлари эвазига вилоят ИИБ ЁХБ раҳбарияти улар учун қадимий Хива шаҳрига саёҳат уюштирди. Қадимий обидаларни зиёрат қилган фахрийлар бу эъзоздан миннатдор бўлдилар.

С. АМИНОВА.

НУКУС. Қорақалпоғистон Республикаси ИИБ ёнгин хавфсизлиги бошқармасидан хабар қилишларича, тадбир бошланиши олдиндан ва унинг давомида шахсий таркибининг амалий тажрибаларини ошириш, офат рўй берганда, уни даф этишда аҳолининг ҳам иштирокини таъминлаш мақсадида жойларда амалий машғулотлар ўтказилди. Бундай тадбирлар айниқса, Қўнғирот, Кегайли, Чимбой, Тўртқўл, ва Амударё туманларида яхши ташкил этилди. Олиб борилган профилактик тадбирлар самараси ўларок, республикада ўтган йилнинг шу даврига нисбатан ёнгинлар сони 50 фоизга камайди.

Д. ХУДОЙШУКУРОВ.

УРГАНЧ. Тадбир давомида вилоятдаги деярли барча корхона, ташкилот, муассаса, аҳоли турар жойлари текширувдан ўтказилди. Ёнгин хавфсизлиги қоидаларига риоя этмаган, кўпол равишда бузилишига йўл қўйган 500 нафардан ортиқ мансабдор шахслар, масъул ходимлар ва фуқароларга нисбатан тегишли чоралар кўрилди. 200 га яқин объектларда иш фаолият вақтинча тўхта-тилди, 20 мингга яқин электр ва газ иситиш мосламалари манбадан узилди.

Х. ЖАББОРОВ.

БУХОРО. Қоровулбозордаги нефтни қайта ишлаш корхонасида ёнгин хавфсизлигини таъминлаш ишларининг янада тақомиллаштирилиши ҳудудда офат рўй беришининг олдини олишда муҳим омил бўлди. Мавжуд цехларнинг ҳолати қайта текширувдан ўтказилди. Корхона ходимлари билан ўтказилган амалий машғулот айниқса, яхши натижа берди. Вилоятнинг

ЖОЙЛАРДАН ХАБАРЛАР

қатор туман ва шаҳарларида олиб борилган профилактик ишларда ёнгин хавфсизлиги ходимлари билан бир қаторда ички ишлар идораларининг бошқа хизматлари вакиллари ҳам иштирок этишди.

У. МУҲИДДИНОВ.

САМАРҚАНД. Кўхна шаҳарнинг машҳур Сиеб бозори, “Ёшлик” истироҳат боғи, Регистон майдони, темир йўл шоҳбекати ва бошқа бир қатор оммавий тадбирлар ўтказилаётган жойларда тарғибот автобуси иштирокида ёнгин ўчириш техникаси ва асбоблари кўргазмаси ташкил этилди. Шунингдек, бир қатор туманларда ёнгин ўчириш техникасининг иш фаолияти намойиш этилган тадбирлар уюштирилди. Фуқароларга ёнгин рўй берганда амалга оширилиши зарур бўлган ишлар юзасидан тушунтиришлар олиб борилди. Газ ва электр асбобларидан фойдаланиш қоидалари бўйича машғулотлар ўтилди.

Х. МАЛЛАЕВ.

ЖИЗЗАХ. Ойлик тадбирларининг якунида маҳаллий ҳокимликларда тузилган ишчи гуруҳларининг фаолияти таҳлил этилди. Айрим жойларда гуруҳларнинг ишлари қониқарсиз равишда бўлганлиги қайд этилди. Айниқса, маҳаллий ўзини-ўзи бошқариш органлари ва кенг жамоатчиликни жалб этишда қатор камчиликларга йўл қўйилган. Тадбир давомида ёнгин хавфсизлиги ходимлари томонидан аниқланган камчиликларни муҳокама қилиш билан чекланган. Айбдор шахслар, раҳбарлар ва мутасадди ходимларга нисбатан тегишли чора кўришда сусткашлик қилингани айтиб ўтилди.

А. УМАРОВ.

ГУЛИСТОН. Сирдарё вилоятида мавсум давомида 2700дан ортиқ корхона, ташкилот ва ҳўжаликларнинг ёнгин хавфсизлигини таъминлаш борасидаги ишлари текширувдан ўтказилди. Жойларда 2245 та ёнгин хавфсизлиги бурчаклари ташкил этилди. Маҳалла, гузар, аҳоли гавжум жойларда тадбирга

бағишланиб ўтказилган учрашувларда 370 мингга яқин киши қатнашди. Давлат ёнгин назорати ходимлари томонидан берилган кўрсатмаларни ўз вақтида бажармаган ва беписанд қараган 230 нафар раҳбарлар муҳокама этилиб тегишли чоралар кўрилди.

О. ҚУРБОНБОЕВ.

АНДИЖОН. Вилоятда ҳайдовчиларнинг бепарволиги, автомашиналарни ўз вақтида техник кўриқдан ўтказишига эътибор бермаслиги оқибатида автотранспорт воситаларида ёнгин чиқиши учраб турибди. Шунинг эътиборига олган вилоят ИИБ ЁХБ ходимлари автокорхоналарда бўлиб автомобилларда ёнгин хавфсизлигини таъминлаш борасида суҳбатлар ўтказишди. Бу хайрли тадбир шунингдек, шахсий автомобилларда қирақашлик қилаётган фуқаролар ўртасида ҳам ташкил этилди.

А. ЗОКИРОВ.

ТЕРМИЗ. Сурхондарё вилоятининг пахта тозалаш корхоналарида ёнгин хавфсизлигини таъминлаш борасидаги ишлар яна бир марта назорат қилинди. Бебаҳо хомашёни қайта ишлаш жараёнида ўт чиқиб кетмаслиги учун кўрилган тадбирларни амалда қандай натижа беришини синаб кўриш учун бир неча пахта пунктлари ва тозалаш корхоналарида машғулотлар ўтказилди. Ишчи ва хизматчиларнинг ёнгин хавфсизлиги қоидалари бўйича билимлари синондан ўтказилди. Янги ишга келганлар учун зарурий ўқув ташкиллаштирилди.

О. ОМОНОВ.

НАВОИЙ. Тоғ-кон металлургия комбинати ёнгин хавфсизлиги бошқармаси ходимлари комбинатга қарашли корхона, ташкилот ва муассасаларда ўтказган учрашувларда асосан электр ускуналardan фойдаланишда эҳтиёткорликка эътибор бериш, носоз ва ишлатишга яроқсиз асбобларни ишлатишнинг хунук оқибатлари ҳақида кўргазмалар тарғибот уюштирилди. Айниқ-

са, бу ҳақдаги видеофильм кўпчиликда қизиқиш уйғотди. Тадбир давомида жойларда 400га яқин учрашувлар ўтказилди.

Д. ҚАМБАРОВ.

ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ. Ёнгин хавфсизлиги ходимлари солиқ инспекцияси, газ ва электр тармоқлари идоралари вакиллари билан ўтказган рейдларда айрим фуқароларнинг хонадонларни иситиш ва хусусий иссиқхоналари учун ўзбошимчалик билан газ улаб олганликларини аниқлади. Жойларда газ босимининг камайиши ва ёнгин чиқиш хавфини оширадиган бундай ҳолатлар вилоятнинг Тошкент, Зангиота ва Қибрай туманларида айниқса, кўп учради ва айбдорларга нисбатан тегишли чоралар кўриляпти.

Ш. АНВАРОВ.

ФАРФОНА. Ёнгин хавфсизлиги ойлиги давомида, шунингдек “Вагон” тадбири ҳам ташкиллаштирилган. Янги қурилатган масканларда маиший хизмат кўрсатиш ва дам олиш вагонларининг ёнгинга қарши ҳолати текширувдан ўтказилди. Қурилиш майдонида ишлаётган пайвандчилар, электр усталари ва бошқа ишчилар билан ёнгин хавфсизлиги қоидалари бўйича машғулотлар ўтилди.

А. НУРМАТОВ.

НАМАНГАН. Ёнгинлар асосан аҳоли турар жойларида рўй бераётгани ҳисобга олиниб, маҳалла, гузарларда 6 ярим мингга учрашув ва суҳбатлар уюштирилди. Тадбирларда 410 мингга яқин киши иштирок этди. Шу боис ҳам вилоятда ўтган йилнинг шу даврига нисбатан ёнгинлар сони тенг баварга, офат натижасида жароҳат олганлар 13 тага камайди, инсонларнинг ҳалок бўлишига йўл қўйилмади.

Ф. МАМАЖОНОВ.

ТОШКЕНТ. Пойтахтнинг бозор, майдон ва гузарларида шаҳар ИИББ ЁХБ тарғибот автобуси мавсум давомида ҳаракатда бўлди. Фуқароларга ёнгин хавфсизлиги ойлиги ўтказилаётгани ва бу муҳим тадбирда барчанинг фаол иштирок этишига жалб этувчи плакатлар, кўргазмалар ташвиқотлар ой давомида энг кўринарли жойларга ўрнатилди. Маҳалла фаолларининг иштирокида кўпқаватли уйларнинг чордоқ ва ертўллари ҳам хавфсизлик талаблари юзасидан текшириб чиқилди.

Ф. САЪДУЛЛАЕВА.

Муносабат

ХОЛИС ФИКР УЧУН РАҲМАТ!

Йил якунланиши арафасида сарҳисоблар бошланади. Ҳаётнинг, фаолиятнинг оддий арифметикаси бу. 365 кун давомида нималар қилинди-ю, нималарга улгурилмади, ютуқлар ва камчиликлар палласи қай томонга оғди, ким яхши ишлади-ю, ким билан хайрлашишга тўғри келди? Масъулиятли, кўп юмушли, айни дамда қизиқарли жараён. Айниқса, четдан кузатиб, фаолиятингизни баҳолашгани хизматингизга берилган ҳақиқий баҳо бўлади.

Муштарийларнинг газетамиз ҳақидаги фикрларини ўрганиш учун сўров-анкета тузилиб, юзлаб жавоб хатлари олинди. Ушбу жавоблардаги холис фикрлардан аён бўлдики, ўқувчилар газетамиздан ўзларига зарур маълумотлар ола билишган. Бундан биз ҳам албатта хурсанд бўлдик. Ўз навбатида мақолаларни сифат жиҳатидан яхшилаш, мазмунан бойитиш бўйича ҳам анчагина таклифлар бўлди. 2005 йил иш режасини тузишда билдирилган бу таклифлар албатта инobatта олинади.

Яқинда “Ўзбекистон матбуоти” журналида “Постда”: ўзгараётган қиёфа” номли материал чоп этилди. Мақолада таҳририятимиз фаолиятига ҳар томонлама холис фикр билдирилгани бизни жуда қувонтирди. “Ўзбекистон матбуоти” журнали асосан республикамизда чоп этиладиган газета ва журналларни таҳлил этишга ихтисослашганлиги эътиборга олинган бўлса, газетамизга журнал ижодкорлари томонидан берилган баҳо бизга ўзига хос Янги йил совғаси бўлди дея бемалол айта оламиз ва бунинг учун журнал жамоасига ўз миннатдорчилигимизни изҳор қиламиз.

Биз бир қанча мулоҳазалардан сўнг “Постда” мухлислари эътиборига ушбу мақолани ҳавола этишни лозим кўрдик.

«ПОСТДА»: ЎЗГАРАЁТГАН ҚИЁФА

XXI аср барча соҳада бўлгани каби матбуот соҳасида ҳам янгилаштириш, тезкорликни ва замон билан ҳамнафас юришни тақозо этмоқда. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги (ИИВ) нашри “Постда” газетаси журналистларининг доимий изланишлари натижасида нашр ўз йўналиши бўйича фақат ИИВ ходимларинигина эмас, балки кенг халқ оммасини ҳам ўзига жалб қила билмоқда. Газетанинг 2002 ва 2004 йилги сонларини таққослар эканмиз, номердан номерга янги-ча қиёфа касб этиб бораётганлигини кўрамиз.

Европанинг жаҳонга машҳур нашрлари фаолиятини кузатадиган бўлсак, уларда биринчи саҳифага алоҳида эътибор қаратилади. Барча нашрларда биринчи саҳифанинг нуфузи баланд ва унда босилган мақолаларга қалам ҳақи алоҳида ставкада тўланади.

“Постда” таҳламаларини назардан ўтказишнинг ўзидаёқ мазкур эътибор самарасини кузатиш мумкин. Газетанинг 2002 йилги биринчи саҳифаларида асосан “Бош муҳаррир минбари” рўқни берилишини таҳсинга сазовор дейиш мумкин бўлса, биринчи саҳифанинг “юки”, салмоғидан 2004 йил сонларида кўпроқ, унумлироқ фойдаланиляпти, дейиш адолатдан бўлади. Икки йил олдин газета саҳифалари рангсиз (оқ-қора) бўлиб, дизайн-бизас ишлари бўйича ҳам анча-мунча ишлар бажарилиши тақозо этар эди. Ҳозир эса бу борада газетада анча силжишлар рўй бергани яққол кўриниб турибди.

Шу ўринда журналистикадаги бир ҳақиқатни таъкидлашга тўғри келади, яъни маълум газетанинг қиёфасини тубдан ўзгартириб, мазмунмундарижасини янгилаб юбориш муайян вақтни талаб қилади.

Кейинги бир-икки йил “Постда” учун худди шундай янгилаштириш, ўзгариш йилларига айланди, дейиш мумкин. Шу билан бир вақтда газета олдида фойдаланилмай қолаётган имкониятлар ҳали кўп. Мисол: газетанинг аксарият муаллифлари ИИВ ходимларидир. Шунинг учун бўлса керак, газетада асосан ички ишлар ходимларининг фаолияти ва жиноятчиликнинг пайини қирқиш бўйича уларнинг ишлари тўғрисида кенг ёзилади. Бу

ҳақда сўз бўлиши мумкин эмас. Бироқ ИИВ ходимларининг ҳам оддий инсон эканликларини, уларнинг ҳам хизматдан бўш вақтда оила даврасида оёқни узатиб, ҳордиқ олиш пайтида газетани кўлга олишларини кўз олдимизга келтирсак, ўз саҳифаларида жиноят дунёсидан “узоклаштириш” истаҳларини “Постда”чилар ҳисобга олишлари албатта шарт.



Худди шу нуқтаи назардан 2004 йил 15 июлдан эътиборан газета 16 эмас, 24 саҳифада чиқаётгани жуда тўғри иш бўлди. Чунки саҳифанинг кўпайиши мавзуларнинг ранг-баранглигини таъминлаяпти. Янгидан-янги рўқлар ташкил этилди. “Мурувват” рўқни остида юртдошларимизнинг ўзаро меҳроқибатларини ёритувчи материаллар, “Сиз кутган учрашув” саҳифасида таниқли ижодкорлар, санъаткорлар билан сўхбатлар газетонлар эътиборига ҳавола этиляпти. “Курама” рўқни орқали эса, жаҳондаги турли қизиқарли, гайритабиий воқеалар билан танишиб бориш имкониятига эга бўлдик.

“Постда”нинг яна бир ўрналиги ҳақида. У ҳам бўлса газета саҳифаларида муштарийларнинг хатларига мунтазам ўрин ажратилишидир. Газетанинг 2002 йил 21 февраль сониде босилган “Муштарий таклиф киритади, фаолликка ундайди” номли мақолада шундай дейилади: “Ҳа, муштарий – олий ҳакам. У ўзига маъқул бўлган нашрнинг ҳар бир сонини илҳақлик билан кутади, мутолаа қилиб бир олам маъно олади, мушоҳада юритади. Жорий йилнинг дастлабки кунларидан бошлаб газетамиз истиқболини кўзлаб куюнчақлик билан ёзилган хатлар қувонтирди. Таҳририят ходимлари

ўз режаларини ана шу таклиф ва истаҳларни инobatта олган ҳолда белгилашга ҳаракат қилмоқдалар”. Бу аъна 2004 йилги сонларда ҳам унутилгани йўқ.

Мақолаларнинг номланишидаги оддийлик, халқона руҳ ҳам газетон дилига ўтиришади. Эътибор берайлик: “Қозонда бори чўмичга чиқмоқда”, “Оғудан келса бойлик – ҳаётинг оху войлик”, “Бу йўлнинг охири – жарлик” ва ҳоказо.

Янги очилган рўқлар ичида “Маърифат дарси” алоҳида эътиборга моликдир. Бундай ўзгариш газетанинг аудиторияси кундан-кунга кенгайиб боришига йўл очди. Ҳозирда унинг муштарийлари орасида фақатгина ИИВ ходимларинигина эмас, балки бошқа соҳа вакилларининг ҳам борлиги қувонарлидир.

“Постда”нинг 2004 йилги ўзгаришларидан яна бири тўғрисида. Нашрнинг ичида “Uchinchil olam” саҳифалари илова тарзида эълон қилиб бориляпти. Унда ҳайратомуз воқеалар, болажонлар саҳифаси, мунажжимлар башорати, сканворд ва кроссвордлар, ҳажвия, хандалар, спорт янгиликлари, интернет хабарларига ўрин берилиб, бу ҳам газетанинг оммалашшига олиб келмоқда.

Мамлакатимизда хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш, маънавий, маданий даражасини юксалтириш, моддий кўллаб-қувватлаш, соғлом турмуш тарзини мустаҳкамлаш, шунингдек, болалар спортини ривожлантириш юзасидан Президент фармонлари ва ҳукумат қарорларининг бажарилиши газетада изчил ёритиб борилмоқда.

Газета кўтаринки руҳ, доимий янгилаштириш билан ҳозирги ислохотлар жараёнини аҳолига тушунтиришда, ўтиш даври қийинчиликларини халқ билан елкама-елка туриб ўтишда маънавий воситачи ва маърифатчи бўлиб хизмат қилмоқда.

Ҳаётинг тажрибадан яхши маълум: изланиш ютуқлар омили, ютуқларни кўпайтириш гайрат-шижоатга боғлиқ. “Постда” газетаси ижодий жамоаси бунга яхши англаб, қалам тебратаётганини табрикламоқ керак.

Бунёд АБДУЛЛАЕВ.

Маънавият

ОТАГА ТИК БОҚМА, ИЙМОНИНГ САҚЛА!

Мен беш ёшимдан отасиз ўсганман. Аниқроғи, отам онам билан ажрашиб, бошқа бир аёлга уйланганлар. Оилада биз тўрт фарзанд бўлганимиз учун суд ҳукмига кўра икки акам отамнинг қарамоғида қолганлар, мен билан яна бир акамни онам вояга етказганлар. Волидамининг (илоё жойлари жаннатда бўлсин) бир гаплари ҳеч ёдимдан чиқмайди. У киши бизни кўргани келган акаларимга: “Отанга гап қайтарманглар, тик қараманглар, дилини оғритманглар. Оналарнинг кўп қарғиши ўтмайди. Улар тил учиде “жувонмарг”, “ўлиб кет”, “афтинг курсин”, деб қаргани билан ичларида боласига яхшилик тилайдилар. Аммо оталар қаргагудай бўлишса ўтади”, – дердилар.

Бир кишини болалигимдан билардим. Хунарли, топармон-тутармон эди. Оиласида ҳамма нарсани бадастир қилиб кўярди. Фақат ўта қаттиққўл дейишарди. Болалари ҳеч бир моддий камчиликсиз катта бўлишар, аммо ундан ўлгудай кўрқинишарди. Яқинда шу одам ўзини осиб қўйибди, деб эшитдим. Миш-мишларга қараганда ўғилларидан бири урган экан. Боринги, урмаган, сўккан ҳам дейлик. Балки ўша ўғил кўнглида илгаридан йиғилиб келган меҳрсизлик, алам энди юзага чиққандир. Ота қариб, кучдан қолгач ўғлини койиб, дашном берганида, қачонгача сендан кўрқиб юраман, деб ўзини кўрсатгандир.

Дунёда боласини умуман урмайдиган, сўкмайдиган ота камдан-кам топилса керак. Ўғлингизнинг шўхлиги ҳаддан ошганда баъзан шапалоқ тортиб юборишингиз ёки қулогини чўзишингиз мумкин-да. Бугун урган кўл эртага болангизнинг бошини силайдик-ку. Боринги, ҳалиги киши доимо камчисидан қон томиб юрган дейлик. Лекин у шундай тарбияласам, фарзандларим эсли-хушли бўлишади, деб ўйлагандир. Болаларим бировдан кам бўлмасин, рўзгорим бут бўлсин деб тиришиб-тирмашган, топганини уйга ташиган-ку. Ўғиллар шуни ўйлаб, отанинг камчилигини кечиришса, унга хушмуомалалик кўрсатишса бўларди.

Одамзод кўтариши қийин бўлган иснод, маломатлар кўп. Эр киши хотини ўзига хиёнат қилишидан хабар топса, айниқса, бунинг устидан чиқиб қолса, ох бу қандай оғир. Қизингиз эл орасида юзингизни ерга қаратса-чи?! Бўйи бўйингизга тенг бўлган ўғлингиз сизга кўл кўтарса-чи?! Бу иснодга, хўрликка ҳар қандай отанинг чидашни қийин. Бирови жонига қасд қилади. Бошқаси ими-жимиде куйиб кул бўлади.

XX аср бошларида Маҳмудхўжа Бехбудий ёзган “Падаркуш” асари зиёлиларимиз орасида катта шовшувга сабаб бўлганди. Ўзбек фарзандининг ўз отасини ўлдириши ҳаммининг газабини келтирганди ўшанда. Ўтган давр ичиде аҳвол қай томонга ўзгарди? Ҳозир турли кўринишдаги падаркушликлар бўлмаепти-ми? Ёки бундай ҳолларга кўпчилигимиз кўниқиб қолдикми?!

Отани ўлдириш учун кўксига пичоқ санчиш шарт эмас. Баъзан унга қўл кўтариш, уни сўкиш, ҳақоратлаш етарли. Бундай иснодга чидай олмаган ота ўз жонига қасд қилади. Ёки ич-этини еб, юрак-бағри куйиб тез орада оламдан ўтади.

Орамизда мастлик устиде оналарга кўл кўтарадиганлар йўқми? Ундан кўра бу кўллар узилиб тушса яхши эмасми? Ичиб оиласида кунда жанжал кўтариб, хотини, бола-чақасини уриб-сўкиб, кўчага қувиб, рўзгорига қарамай, ҳеч бир ерда ишламай ота-онасини куйдириб адо қилаётганлар ҳам бор. Буям яширинча қотилликдай гап.

Русларда “Ота-она танланмайди”, деган нақл бор. Ҳақиқатан ҳам шундай. Яхшими-ёмонми, улар бизни ёруғ дунёга келтиришган, едириб-ичиришган, вояга етказишган. Шунинг учун хурматларини жойига қўйиш, яхши гапимизни аямаслик биз фарзандлар учун ҳам фарз, ҳам қарз.

Яна мақоламиз бошидаги воқеага қайтсак. Ўзини осар чоғида ота кўнглидан нелар кечди экан? Берган нон-тузимга рози эмасман, демадимикан? Оқ қилган бўлса-чи? У дунё-ю бу дунёси обод бўлмасин, деб қаргаган бўлса-чи? Мусулмончиликда гуноҳ қабира-лар (энг оғир гуноҳлар)дан бири ота-онага оқ бўлиш-ку.

Ўша фарзанд энди хотиржам яшай олаептими? Сўнгги пайтларда ўзлари вос-вос бўлиб қолгандилар, деб бошқаларни-ку алдар, ишонтирар. Аммо киши ўзидан, виждонидан қочиб қаёққа боради? Иш-ташвишларини тугатиб, ўзи билан ўзи қолганда отаси эсига тушиб қийналмаепти-ми? Боласи “ота” деган чоғида-чи?

Эй биродар, майли, отанингизга қуллик қилманг, аммо қуллуқ қилинг. Майли, уларнинг ҳамма айтганини ҳам қилаверманг, фақат кўнгилларига озор берманг, гаплари нотўғрилигини тавозе, юмшоқлик билан тушунтириг. Кексалик, касаллик туфайли уларнинг феъли тор бўлса, сиз кенг бўлинг. Зинҳор-базинҳор кўзларига тик боқманг.

Бобомурод ТОШЕВ.

САЛОМАТЛИК САҲИФАСИ

«КУЛИНГ — УМРИНГИЗ УЗОҚ БЎЛАДИ»

Машҳур қизиқчи Юсуфжон қизиқ Шакаржоновнинг бу гапи кўпчиликка таниш бўлса керак. Беш дақиқалик кулгуда 100 грамм қаймоқнинг қуввати бор ҳам дейишади. Бу гаплар бекорга айтилмаган. Хушчақчақлик ҳақиқатан ҳам умрни узайтиради. Чунки кулгу гормонларга таъсир этиб, организмда биокимёвий реакциялар тезлашади.

Кўпчилигимиз кундалик ҳаётимизда кулишни, хурсанд бўлишни унутиб қўйдик. Ҳаммамиз аксар вақт иш-ташвишлар билан банд бўламиз. Организмимиз эса шодлик гормони — эндорфинни талаб қилади. Бу гормон танзимини кўплаб касалликлардан ҳимоялайди. Шунинг учун ўта жиддий одамлар ҳам асл сабабини ўзлари англамаган ҳолда кўнгилочар томошаларга, қизиқчиларнинг концертлари-га ошиқишади, комедиялар томоша қилишни яхши кўришади, латифабозлик қилишади. Кишилар вақти-вақти билан беихтиёр ҳазил кўшиқлар хиргойи қилишади. Жиддий газеталарда шапалоқдай жой топиб, турли хангомалар берилишининг сабаби ҳам шунда. Баъзилар доимо кулгуга эҳтиёжни ҳис этиб турсаларда, кўпинча бундан ўзларини тийишади. Аммо хушчақчақлик саломатлик учун фойдалилигини англаш пайти келди.

Хорижликлар собиқ МДХ мамлакатлари аҳолиси кўпинча ўта жиддий қиёфада юришини пайқашган. Одатда ёшлар кўпроқ кулгуга мойил бўлишади. Катталар эса уларга танбех беришдан чарчашмайди. Ота-оналар, ўқитувчиларнинг ёшларга “Нимага мунча кўп куласан?” “Нима, мен сенга маймун ўйнатяпманми?” “Нега бунча куйдирган калла-

дек тиржаяверасан?” дея дашном беришларини эштамиз.

Болалар соппа-соғ бўлишса, уйқудан жилмайиб уйғонишади. Кулиб турган болага қарасангиз, кишининг бахри дили очилади, кайфият ўз ўзидан кўтарилади. Оналар гўдак фарзандлари кулиб турса, хотиржам бўлишади.

Ўсмирлар ҳам сабаб-бесабаб кулишни яхши кўришади. Аммо уларнинг кулгуси катталарнинг энсасини қотира бошлади. “Бўлар-бўлмасга кулаверасанми?” деб жеркиб беришади. Аммо юздаги табассум, нимкулгу кишининг ҳаётга енгил муносабатда бўлишини эмас, ўзидан, яшайдан мамнун эканини билдиради.

Хўш, инсонга кулгу нима учун керак? XX аср охирида биологлар киши кулганида қонида эндорфин гормони ишлаб чиқилишини кашф этишди. Шунинг учун ҳам унга қувонч гормони деб ном беришган. Юқорида айтганимиздек, бу модда организмдаги биокимёвий реакцияларни тезлатади, кучайтиради.

Аввалига эндорфин гормони қандай ҳосил бўлишини олимлар билишолмади. Кейинроқ киши кулганида, яъни юздаги кулгу мушаклари қисқарганда мияда мазкур гормон ҳосил бўлиб, қонга кўшилишини аниқлашди.

Америкаликларнинг кўпинча жилмайиб юриши баъзиларнинг гашига тегади. Бу кулгунини ҳатто сунъий ҳам деб ҳисоблайдиганлар бор. Японлар юзида доимо табассум зоҳирлиги ҳам кўпчиликка ўтиришавермайди. Ваҳоланки, айнан японияликлар ва америкаликлар узоқ умр кўриш бўйича дунёда олдинги ўринларда туришади.

Япония ҳақида гап борганда, бу мамлакат аҳолиси кўпроқ балиқ маҳсулотлари ва соя ёғи истеъмол қилгани учун узоқ умр кўради, дейишади. Аммо америкаликлар борасида бундай деб бўлмайдику! Бунинг устига улар гамбургер, чипс каби саломатликка зарарли егуликларни кўп истеъмол қилишади. Шунга қарамай, АҚШда узоқ умр кўрувчилар сони йилдан-йилга ошмоқда.

Хўш, уларнинг узоқ умр кўриши сабаби нимада? Сабаби оддий — улар кўп кулишади. Боринги, кулгулари сунъий ҳам дейлик. Бари бир, кулгу мушаклари қисқардим — эндорфин гормони ажралиб чиқаверади.

Маслаҳатимиз, ҳар куни эрталаб уйғонишингиз билан яхши кайфиятда бўлинг. Мушакларингизга айтганда, худонинг ҳар бир кунига шукр қилиш керак. Шукроналик руҳга хотиржамлик, дилга қувонч



бағишлайди. Айниқса, юрак-қон томир, асаб, ошқозон-ичак касалликларига чалинган беморларда кулгунинг самараси тез кўзга ташланади. Кун бўйи кайфиятингизни чоғ қилиб юрсангиз, дори-дармонга эҳтиёжингиз камаяди, уларнинг нафи эса ошади.

Кувноқ одам ҳадеб касалликларга чалинавермайди, турли тўсиқларни осон, тез енгиб ўтади. Ҳаётда муаммолардан қочиб қутулиб бўлмайди. Аммо хушчақчақ бўлсангиз уларни осон ҳал қиласиз.

Палатага ҳазилкаш бемор ётқизилса, бошқа касалларнинг ҳам тузалиши тезлашишини ҳар қандай шифокор яхши билади. Ҳа, бу ҳаётда кўп бора синалган, кулгу тузалишга ёрдам беради. Оптимистлар кам хасталаниб, тез тузалишини ҳам ҳамма шифокор билади. Хушчақчақ одамлар деярли шамолламайди, юрак хасталигига чалинмайди.

Биз кўпинча кулгу, хурсандчиликни четдан қидирамиз, бизни кимдир кулдиришини, хурсанд қилишини кутамиз.

Ваҳоланки, ўзимиз ҳам кулишни, ҳазиллашишни ўргансак бўлади-ку. Шўх-кувноқ одамларнинг иши ҳамиша юришади. Бир эсланг: ким билан мулоқот қилганда яйрайсиз, маза қиласиз. “Ҳазилкаш, хушчақчақ одам билан”, — деб жавоб беришингиз тайин. Ҳамма ҳам “Аламзада, майда гап, бутун дунёдан норози бўлиб юрвчи киши билан ҳамдам, ҳамроҳ, ҳамсухбат бўлиб қолишдан худонинг ўзи асра-син”, — деса керак.

Хуллас, организмнингизга хуш-хурсандчилик нақадар зарурлигини англаш лозим. Болалар ва ўсмирларни шўх-шонлиги учун ҳадеб койийверманг. Ўзингиз ҳам ҳаётингиздаги кулгули, ғаройиб воқеа-ҳодисаларни эслаб, кайфиятингизни чоғ қилиб юринг, ҳазил томошаларни кўринг, хушчақчақ одамлар билан тез-тез мулоқот қилинг.

Ўзингизга ҳам, бошқаларга ҳам табассум, яхши кайфият улашишга ҳаракат қилинг. Зукко қизиқчимиз айтганидек, кулинг-умрингиз узоқ бўлади.

Умуман, менинг меҳнат фаолиятим турли муҳандислик вазифалари билан боғлиқ ҳолда ўтди. Тақдир тақозоси туфайли Қорақум саҳролари-ю узоқ тундрада ҳам бўлдим. Қахратон совуғу офтобнинг жазирама иссиқлари азобини ҳам тортдим. Ҳисоблаш ва чизмаларни қоронғу кечаларда бажаришга тўғри келарди. Юқорида қайд этилган сабаблар туфайли 30-35 ёшларимда кўриш қобилиятим бирдан анча ёмонлашди. Айтиб ўтишим керакки, онамнинг кўриш қобилиятлари унча яхши эмасди, отам ҳам яхши кўрмасдилар.

Кўриш қобилиятим ёмонлашгани туфайли кескин чоралар кўришим кераклигини тушундим. Кўз касалликларига қарши махсус гимнастика билан шуғулланишга қарор қилдим. Шу гимнастика туфайли ярим йилдан кейин кўзларим яна яхши кўрадиган бўлди. Энди уларни даволашга, кўзойнак тақишга ҳожат

КЎЗЛАРИМ РАВШАН БЎЛСИН ДЕСАНГИЗ

(шахсий тажрибадан)



қолмади. Ҳамкасбларим ҳам менинг усулимдан фойдаландилар ва кўз касалликларидан халос бўлишди.

Мана, ёшим ҳам етмишга яқинлашиб қолди, ҳамон кўзойнак тақмайман, умид қиламанки умримнинг охиригача ҳам тақмасам керак.

Муҳтарам газетасиз, унча қийин бўлмаган, аммо самарали бўлган ушбу машқларни сизга ҳам тавсия этаман. Машқларни диванда ёки тахта каравотда, бошингиз танангиздан 20-30 даража бурчак остида

юқорида бўлган ҳолатда бажариш мақсадга мувофиқдир. Ўзингизни бўш қўйинг. Кўзингизни юмиб 30-40 марта чуқур нафас олиб, нафас чиқаринг:

1. Кўзларингизни юмиб, қорачигини соат миллари бўйича айлантинг.

2. Худди шу машқни соат милларига тескари томонга бажаринг.

3. Кўзларни юмиб, юқорига (пешона томонга), кейин эса пастга (иякка) қаранг.

4. Кўзларингизни юмиб чапга ва ўнга (чап ва ўн кулоққа) қаранг.

5. Кўзларингизни юмиб, икки (бош ва ўрта) бармоқ билан аста босиб туриб, қорачиқларингизни соат миллари томон айлантинг.

6. Худди шу машқни соат милларига тескари томонга бажаринг.

7. Кафтингиз билан кўзларингизни қаттиқ босинг.

8. Кафтларингиз билан кўзингиз аралаш юзингизга тез-тез шапатиллаб уринг.

9. Кўзингизни тез ва кескин чирт юминг.

10. Кўзингизни тез-тез пирпиратинг.

Кейин эса машқлар бошида бажарган нафас олиш гимнастикасини такрорланг. Ўзингизни бўш қўйинг. 20-40 марта чуқур нафас олинг ва чиқаринг.

Ушбу машқларни куннинг исталган вақтида (фақат ухлашдан 3 соат аввал) ёшдан, касалликнинг даражасидан қатъи назар бажариш тавсия этилади. Юқорида қайд этилган 10 машқнинг бир сеанси 10-15 мартадан иборат (яъни 10-15 кун бажарилади). Барча машқлар кетма-кет ва тўлиқ амалга оширилиши керак.

Ҳаммангизга кўзингиз равшан бўлишини тилайман.

Владимир ЗЕМЕЛЬ.

Турмуш чорраҳаларида

ҚИЗ БОЛАНИНГ

Турмуш ўртоғининг тўсатдан ўлими Мунирани гангитиб қўйди. Бу зарбадан анчагача ўзига кела олмади. Бироқ начора, кўзмунчокдек бир қиз, бир ўглининг келажаги, ташвишу шодликлари учун ҳам яшаши керак. Бор иродасини йиғиб, ўзини ўнглаб олди. Турмуш ўртоғи ҳаётлигида бирор жойнинг остонасини ҳатламаган Мунира иш қидириб оёқдан қолди. Аммо дунёда яхши одамлар кўп. Ишга жойлашгач, молиявий аҳволини анча яхшилади. Ишлаш билан бирга фарзандлари Нодира ва Яшнарларнинг тарбиясини бир лаҳза кўздан қочирмади. Отасиният қилганидек уларни яхши ўқитиш, билимли, хунарли қилишга вақтиниям, кучиниям аямади. Нодира мактабга чиққач, аъло баҳоларга ўқий бошлади. Улардан бир қават юқори турадиган Наиманинг ҳам икки қизи бўлиб, каттаси Гулмира Нодира билан тенгдош. Иккиси бир синфда ўқишади-ю, аммо Гулмиранинг ўзлаштириши яхши эмасди. Наима ҳам яққа ўзи икки қизини тарбиялар, фарқи унинг эри тирик бўла туриб ташлаб кетганди. Табиб табиб эмас, бошидан ўтган табиб, деганларидек гоҳ-гоҳида икки қўшни ҳасратлашиб туришарди.

Фарзандлар катта бўлгани сари улар орасидаги фарқ тобора катталаша бошлаб, кўзга яққол ташланиб бораётганди. Нодира уй ишларида онасига ёрдам бериш билан бирга мактабда яхши ўқир, хулқи - одоби ҳам ҳавас қилгудек. Буни ҳамма - қўни-қўшнилари эътироф этарди. Гулмира эса тегма нозик, дангаса, аразгүй, кўрс ва худбин, сира ўқигиси келмасди. У билан кетма-кет ўсаётган Кабира ҳам опасидан қолишмасди. Катта арава қаёқдан юрса, кичкина арава ҳам шу ёқдан юради, деган нақл шу опа-сингиллар ҳақида айтилгандек эди, гўё. Опа-сингиллар вояга етган сари Наима уларни бошқара олмай қолаётганди. Айниқса, Гулмира кўчадан бери келмас, ҳеч кимнинг насихатини қулоққа илмасди.

Гулмира гўёки товада қизи турган ёғ, гапирмасингдан чарсиллаб кетади-я, - рўпара эшик қўшниси - ҳамшира Лолахонга ёрилди она.

Ҳозир у "ўтиш даврида". Бундан хавотир олманг, лекин бепарво ҳам бўлманг. Яхши гап билан ичидагини билишга ҳаракат қилинг. Унга дугона сифатида сирдош бўлишингиз керак, - маслаҳат берди Лолахон.

Э-э, қўшнижон! Сирдош бўлиш тугул, она сифатидаям ҳурмат қилмайди. Оғзимни очмасимдан силталайди.

Барибир қўл қовуштириб қараб турманг! Ҳаракат қилинг. Қўнглига йўл топинг. У ҳали ёш бола-ку. Ҳалиям кеч эмас измингизга солинг...

Кожки, она-бола ўртасида қандай аччиқ-тизиқ гаплар ўтганини у қўшнисига айта олса. Девор-дармиён қўшни-

ЎЙҒОНИШ

ку, эҳтимол эшитгандир-у сир бой бермаётгандир. Мана, Нодира ҳавас қилса арзигулик қиз. Онасининг орзу-ҳавасини рўёбга чиқариб, тиббиёт коллежига ўқишга кирди. Унинг муомаласи, орасталиги, саранжом-сарийшталиги... Қизи-чи, бу йил дам оламан, деб ўқишга ҳам кирмади, мактабни ҳам давом эттирмади.

Наима дераза тоқчаси чангини артаркан пастда нариги "дом"да яшовчи Равшан деган бола билан гаплашиб турган қизига кўзи тушди. Тор шим кийиб олган, "химия" қилаверганидан сочлари сочилган хашакка ўхшаб ёйилиб туриши кўзига бирам хунук кўриниб кетдики...

Ҳа, едириб-ичириш, уст-бошини бутлаш билан овора бўлиб, фарзандларининг юриш-туриши, одоби-хулқи, қалбию руҳиятига эътибор бермагани энг катта хатоси эканлигини англади. Уларни еб-ичишда, кийинишда ҳеч кимдан кам бўлмасин деганди. Афсуски, одобда, тарбияда, муомалада, оқибатда, меҳрда ҳеч кимдан кам бўлмасин демаган экан.

Гулмира, ҳой Гулмира, бу ёққа кел!

Нима дейсиз?! - пастдан жеркиб бақирди қиз.

Бу ёққа чик!

Уф! Нима гапиз бор, гапираверинг!

Нон олиб кел, уйда нон йўқ экан.

Ҳозир, Кабира келади, ўшани юборинг!

Бу ёққа чик деяпман сенга! - дўк ураркан, муштини кўрсатди чорасиз она.

Қиз бир ўкрайди-да, норози оҳангда қўл силтади.

Тушиб қизини роса дўппослагиси келди Наиманинг. Қўни-қўшнидан истиҳола қилди. Орадан бир соатлар ўтиб, опа-сингиллар кириб келишди.

Қачон кўчада санғиб юришни бас қиласанлар? На уй йиғиштирасанлар, на кирчир, на идиш-товоқ, ҳаммасини менга ташлаб қўйгани уялмай-сизларми?! Онам ишдан чарчаб келади, дамини олсин деб ўйламайсизлар ҳечам. Қиз туғдим деб сира қувонмасам бўларкан. Ана Нодира, ўша ҳам сенларга ўхшаган қиз...

Эсимизни танибмизки, Нодира, Нодира, Нодира, дейсиз. Мақтаганингиз мақтаган. Жонга тегди ўша Нодиранингиз. Боринг ўшани опкеб олинг. Бу уйда Нодира турадимиз, бизми. Сиз ҳам бизни Мунира кеннойимдек яхши кўриб тарбиялаганингизда эди... Смендан деб кечалари бизни ташлаб кетардингиз. Бизни ўйла-

ганмидингиз ўшанда. Энди биз ёмон бўлиб қолдикми! Ёшлигимизда уйда ўтирганмидингиз биз билан...

У яна нималардир демоқчи бўлиб оғиз жуфтлади-ю, бироқ шаштидан қайтди. Жаҳл билан эшикни ёпиб чиқиб кетди. Ортдан югуриб Кабира чиқди.

Қизи нима демоқчи эди... Наиманинг миясига қон уриб, боши гангиди. Ёпирай, нахот мени ўз ичимдан чиққан фарзандларим бузуқликда айбла-са... Нахот, оқ ювиб, оқ тараган қизларим илон бўлиб мени чакса... Ох, бу қандай бедодлик! Бунга қандай чидаш мумкин! Ахир, мен шуларни деб на давраларга қўшилдим, на тўймаъракаларда юрдим... Агарда қўнглим кўчасига кириб бирикки дилхушлик қилган бўлсам-да, уни мен ва "ўшандан" бошқа ҳеч ким билмаганди-ку!

Шуларни деб сув кечдим, лой кечдим, тунлари мижжа қоқмадим, қорнини тўқ, устини бут қилдим. Эримдан сўнг оғиз солганлар, йўлимни пойлаганлар кўп бўлди. Шулар ўғайликни кўрмасин дедим. Бегона туртмасин дедим. Мана оқибат.

Гулми, қўй, қаёққа бора-сан? Тўхта!

Э, бор, сен қолувдинг на-сихат қилмаган.

Аямни бекор хафа қилдинг, барибир.

Э, йўқол!

Гулмира уй орқасига ўтди-ю, ўкириб йиғлаб юборди. Кабира секин келиб уни кучоқлади.

Қачон қарасанг Нодира, Нодира дейди. Бизни ёмонлагани ёмонлаган. Сенлар унақа, сенлар бунақа... Бирон марта буни тўғри қилибсан, раҳмат, барака топ деганини эшитмадим. Жонимга тегди, ўша Нодирасини ўлдириб қутуламан шекилли, - пиқиллаганча нафратини тўқди опа.

Кабира опасини яхши тушунарди, зотан Нодира унинг ҳам душмани эди. Онаси уни ўрناق қилиб, қизларига мақтаган сари Кабиранинг қўнглида унга нисбатан нафрат уйғонарди. Ҳар гал онаси уни кўкларга кўтарганда "мен ҳеч қачон бундай қилолмайман" деган ўй қизнинг имкониятлари ҳавасларига нуқта қўярди гўё. Ўша ишни маромига етказмай бузиб қўйиш қўрқинчи уни қамраб оларди.

У опасини нима деб овутишни билмай турганда йўл четида Нодира кўринди. Кабира опасини туртаркан душман томонга имлади.

Сен секин уни чақириб хув ануви уй орқасига олиб ўт, бир адабини бериб қўяй, - ёшини шоша-пиша артди Гулмира.

Хуш келибсиз оппоқ қиз, одобли, саранжом, сариштали, пазанд, чевар, ақлли қиз, - заҳархандалик билан яқинлашди Гулмира.

Нима қиялсан, Гулмира! Мен сенга нима ёмонлик қилдим? - Тушунмай опа-сингилга қаради Нодира.

Кабира, оғзини ёп! Нима ёмонлик қилганини ҳозир кўрсатаман.

Гулмира орқасига яшириб турган таёқ билан Нодиранинг дуч келган жойига ура кетди. Кабира ҳам жим турмай, унинг сочи, юз-кўзига чанг солди.

Бу ер пана бўлиб, пияниста, банги, чекувчи-кашандалар йиғиладиган жой эди. Ичишни мўлжаллаб шиша кўтариб келаётган икки киши ур-йикит устидан чиқишди. Югуриб келиб уларни ажратдилар.

Қўлаб тан жароҳати билан қонга беланган Нодира касалхонага, опа-сингиллар ички ишлар бўлимига олиб келинди.

Наима қизларининг гуноҳини кечиришини сўраб Мунирага қилган оху-зорлари, ялиниб-ёлворишларига "Қизим бутунлай соғайиб кетса, ҳеч қандай асорати қолмасгина кечиранам", деган жавоб олди.

Гулмира эса... Гулмира эса Нодиранинг бошидан кетмади. Жазодан қутилиб қолиш учун бу ишни қилмади, аксинча, унинг руҳиятида фақат қиз болалардагина бўладиган улкан ўзгариш юз берган, бераётганди...

Муҳаббат ИБРАГИМОВА.

Республика ИИБ Тиббиёт бошқармаси раҳбарияти ва шахсий таркиби Сурхондарё вилояти ИИБ тиббиёт бўлими бошлиғи, капитан А. Аҳмедовга падари бузруқвори
РАҲМОН отанинг
вафот этганлиги муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдирадилар.

Сурхондарё вилояти ИИБ раҳбарияти ва шахсий таркиби вилоят ИИБ тиббиёт бўлимининг бошлиғи, капитан А. Аҳмедовга падари бузруқвори
РАҲМОН отанинг
вафот этганлиги муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдирадилар.

Тошкент вилояти ИИБ раҳбарияти, шахсий таркиби ва Фахрийлар кенгаши истеъфодаги подполковник
Раим ҚАЮМОВнинг
вафот этганлиги муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур ҳамдардлик билдирадилар.

Тошкент вилояти ИИБ ЙХБ раҳбарияти ва шахсий таркиби бошқарманинг рўйхатлаш ва имтиҳон бўлими инспектори, майор Р. Журабековга падари бузруқвори
ТУРАБЕК отанинг
вафот этганлиги муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдирадилар.

Самарқанд вилояти ИИБ раҳбарияти ва шахсий таркиби бошқарма ЖК ва ТҚБ бўлими бошлиғи, подполковник Р. Мирзаевга онаси
ХАЙРИНСО аянинг
вафот этганлиги мунсбати билан чуқур ҳамдардлик билдирадилар.

Республика ИИБ Академияси раҳбарияти ва жамоаси Конституциявий ҳуқуқ кафедрасининг профессори Р. Қаюмовга ўғли
Раим ҚАЮМОВнинг
вафот этганлиги муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдирадилар.

ЯНА АСАББУЗАР ПАҚИЛДОҚЛАР ҲАҚИДА

Салимжон билан Мирвали мактабдан қайтаркан кўпқаватли уйлар ортидаги ялангликка боришганида уч-тўрт бола пақилдоқнинг овозидан завқланиб, дамбадам отиб қувонишарди. Уларни кўрган Салимнинг ҳаваси келди ва ёши каттароқ болага:


– Мен ҳам отсам майлими? – деб сўради.

Бола икковига пақилдоқ солинган кутини тутқазди. Аввалига болалар бир-икки марта отишди. Кейин завқланиб кетиб бир-бирига қараб иргитишди. Кучлироқ пақиллашдан кейин Салим додлаганча кўзини ушлаб қолди...

Янги йил байрами яқинлашган сари кўча-кўйда пақилдоқларнинг овози эшитила бошлади. Кўшни давлатларда тайёрланадиган бу пиротехник воситаларни мамлакатимизга олиб кириш ва сотиш тақиқланган. Чунки бу асаббузар пақилдоқларнинг зарари кўпчиликка маълум. Айниқса, кекса кишилар, беморларга ёмон таъсир қилади. Бироқ айрим ота-оналар

уни ўйинчоқ сифатида фарзандларига сотиб олиб беради. Ёнги хавфсизлиги хизматидаги маълумотларга кўра, бу пиротехник воситаларни ўйнаш оқибатида

рейдлар ўтказиб, кўшни республикалардан мамлакатимизга пиротехник воситаларни олиб киришга уришларнинг йўлига ғов қўймоқдалар, шунингдек, бо-



зорларда бу хавфли ўйинчоқлар билан савдо қилаётганларни аниқламоқдалар. Тошкент вилояти ИИБ ходимлари томонидан ўтказилаётган рейдда Қибрай туманидаги "Май" қишлоғида

Юқоридаги воқеага қайтсак. Шифокорлар Салимнинг кўзи жиддий шикастлангани ва энди умуман кўрмаслиги мумкинлигини айтишди.

Мехриддин Хасанов ва Тўрабек Одилбековлар бошқарувидаги юк автомашиналари кўздан кечирилганида мевалар остига яшириб қўйилган 40 қути пиротехник воситалар топилди.

Тадбирлар шу билан ниҳоясига етгани йўқ, албатта. Энди ишга янада жиддий киришиб, пиротехник воситаларнинг республикамизга ки-

риб келишига йўл қўймаслик чоралари кўрилаверади. Бозорлардаги пақилдоқфурушликнинг пайи қирқилаверади.

Шу ўринда мактаб педагогик жамоаси, маҳалла фаоллари, кўча оқсоқоллари, ота-оналар хушёр бўлиб, болаларнинг пақилдоқларни ўйнашларига йўл қўймасликлари, ана шундай хавфли ўйинчоқларни сотаётганларни аниқлаб, ички ишлар идораларини хабардор қилишларини сўраймиз. Чунки бу пақилдоқларнинг зиён-заҳмати тегиб, кейин аттанг, деб қолгандан кўра, унинг олдини олган афзал.

Юқоридаги воқеага қайтсак. Шифокорлар Салимнинг кўзи жиддий шикастлангани ва энди умуман кўрмаслиги мумкинлигини айтишди.

Феруза САЪДУЛЛАЕВА,
капитан.

Бир куни...

ҲОКИМИЯТДАН КЕЛГАН «ВАКИЛ»

Папка қўлтиқлаган киши қишлоққа кириб келди ва ўзини одамларга таништирди. Гузарда ўтирган одамлар билан суҳбатлашди.

– Уруш қатнашчилари бу қишлоқда ҳам оз қолгандир-а? – деди мулоимлик билан. – Уларнинг кимлигини айтиб берсангиз, илтимос!

– Ҳаммом ёнидаги уйда Аҳмад ота, дўкон ёнида Тошмат ота, хув анави, катта терак ёнидаги уйда Мирсодиқ оталар яшайди, – дейишди ўтирганлар. Бу маҳаллада шулар уруш қатнашчилари, ҳозир анча қариб қолишган.

– Менга катта ёрдам бердинглар. Шу отахонларга арзон нархда шифер, ёғоч бермоқчи эдик. Сизларга раҳмат, хўп, мен борай – деди-да, ўрнидан қўзғалди ва Аҳмад отанинг хонадонини қақирди. Уйдан бир ёш бола чиқди. "Буванг борми?" дея сўрагани, бола "Бувам касал" деб жавоб берди. "Қани, бувангнинг ёнига бошлачи", – деди-да ичкарига юрди.

У отахон билан қуюқ сўрашиб папкасини ёнига қўйди.

– Мен ҳокимиятдан келган вакилман, – деб ўзини таништирди. – Маҳаллангизда уч нафар уруш қатнашчилари истикомат қилишди. Бизда уларнинг рўйхати бор. Мен сизлардан хабар олгани келдим, отахон. – Меҳмон, сал қаттиқроқ гапиринг, қулоғим оғирроқ – деди қария.

– Хўп отахон, – деб вакил гапни қайтарди.

– Биздан ҳам хабар оладиганлар бор экан-а! Раҳмат, борингизга шукр. Хўш нима гап?

– Уруш қатнашчиларига ўта арзон нархда шифер, ёғоч бермоқчимиз. Рўйхатда сиз ҳам борсиз. Шифер, ёғоч керакми?

– Роса керак-да!

– Керак бўлса, эртага 50 дона шифер ва бир куб ёғочга пул тайёрлаб боринг. Мен оморда бўламан, оморни биласизми?

– Ҳа, шаҳардаги ёғоч оморини биламан.

– Гапим шу. Ишончли бўлиш учун озроқ пул бериб қўйинг.

– Неча пул?

– Ўн минг сўм. Гапимга ишонмаяпсизми дейман? Мана паспортим!

– Ишонаман, паспортингизни кўрмасам ҳам бўлади, ҳозир пул йўқ эди. Эртага бир йўла пулни олиб борсам ҳам бўладими?

– Ҳа, бўлади. Эрталаб соат 9 га етиб боринг. Кеч қолман.

– Мен бора олмайман, ўғлим боради.

– Майли, ўғлингиз борсин. Мен дўкон ёнидаги Тошмат отага ҳам шу гапни етказиб қўяй. Велосипед борми?

Ана айвонда неварамнинг янги велосипеди турибди, ўзингиз олаверинг.

– Раҳмат. Мен Тошмат отага ҳам бу гапларни айтаман-да, қайтиб келиб велосипедни қўйиб кетаман.

– Раҳмат, сизга биродар, дея отахон хайрлашди.

Ҳокимиятдан келган "вакил" велосипедни минди-ю кетди. Шу-шу у қорасини кўрсатмади. Отахоннинг кўзи кўчада. Бир ҳафта ўтгач, отахон велосипеддан ҳам умидини узди.

Жалолиддин ТУРДИЕВ.

Мухтарам муштарийлар! Маънолари куйида таърифланган 7 та очқич сўзни топиб, уларнинг ҳарфларини доира шакли хоналаридаги рақамлар тагига ёзиб чиқсангиз, криптограммада мафтункор ҳинд киносининг бетакрор устаси, машҳур кинорежиссёр ва актёр Раж Капур сўзларини ўқийсиз.

ОЧҚИЧ СЎЗЛАР

I. Раж Капурнинг режиссёр сифатида яратган (1951 й.) учинчи фильми – "17, 8, 13, 17, 2".

II. Кинолентадаги тасвирни тушириш учун мосланган саҳн – 5,1,10,8,3.

III. Раж Капурнинг муҳаббат ва дўстликка садоқат маҳд этилган фильми – "7,8,3,6,8,9".

IV. Бадиий фильмнинг бастакор яратган муҳим таркибий қисми – 9,16,7,2,18,8.

V. Раж Капурнинг бош ролни ҳинд киноактрисаси Димпл Кападия ижро этган фильми – "19,4,19,19,2".

VI. Бадиий ижодиёт – 7,8,3,1,8,15.

VII. Туғилиш, инсоннинг дунёга келиши – 15,8,12,8,11,16,17.

Ҳамидулла АБДУЛЛАЕВ
тузди.

ЎТГАН СОНДА БЕРИЛГАН КРОССВОРДНИНГ ЖАВОБЛАРИ
Шаклнинг тик қаторларида (бўйига):

1. Ҳоким. 2. Гросс. 3. Қонун. 4. Қисса. 5. Ватан. 6. Сюита. 7. Битим. 8. Обуна. 9. Акция. 10. Тоифа. 11. Шляпа. 12. Ўзбек. 13. Асака. 14. Пахта. 15. Китоб. 16. Этика. 17. Олмос. 18. Триод. 19. Вазир. 20. Хуқуқ. 21. Алоқа. 22. Туман. 23. Ашула. 24. Қосон. 25. Ариза.

Қуюқ чизиклар билан белгилаб қўйилган доирачали ўрта қаторларда энига:

КОНСТИТУЦИЯ – БАХТИМИЗ ҚОМУСИ.

РАЖ КАПУР ТАВАЛЛУДИНИНГ 80 ЙИЛЛИГИГА

КРИПТОГРАММА



ЎЗБЕКISTON
RESPUBLIKASI IIV
BIRLASHGAN
TAHRIRIYATI

MANZILIMIZ:
700029,
Toshkent,
Yunus Rajabiy ko'chasi, 1

Bosh muharrir
Shuhrat MURODOV

Bosh muharrir
o'rinbosari
Erkin
SATTOROV

Mas'ul kotib
Rahmatilla
BERDIYEV

Navbatchi
Qobiljon
SHOKIROV

Sahifalovchi
Zokir
BOLTAYEV

TELEFONLAR:

Bosh muharrir
o'rinbosari 54-37-91.
Kotibiyat 139-73-88.
Muxbirlar 59-27-15.
139-77-23.
Buxgaiter 139-75-37.
Faks 132-05-51.

E-mail:
urmvd@globalnet.uz

Tahririyat hisob raqami
20210000700447980001,
MFO 00421.

«Ipk yo'li» aksiyadorlik
investitsiyaviy tijorat
bankining Mirzo
Ulug'bek bo'limi.

GAZETA O'ZBEKISTON MATBUOT VA AXBOROT AGENTLIGIDA
2003 YIL 24 NOYABRDA 007 RAQAM BILAN RO'YXATGA OLINGAN

Buyurtma J-000819.
Bosilish — ofset usulida.

● Ko'chirib bosishda «Postda»dan
olinganligini ko'rsatish shart

● Muallifning mulohazasi tahririyat
fikriga mos tushmasligi mumkin.
Maqolada keltirilgan misollar,
raqamlar, ma'lumotlarning aniqligi
uchun mualliflar javobgardirlar.

● Qo'lyozmalar-tahlil qilinmaydi
va qaytarilmaydi.

Obuna raqamlari:
Yakka tartibda — 180
Tashkilotlar uchun — 366

Gazeta haftaning payshanba
kunlari chiqadi.
Boshiga topshirish vaqti — 21.00.
Boshiga topshirildi — 21.00.

«O'zbekiston» nashriyot-
matbaa ijodiy uyi
bosmaxonasida chop etildi.

Korxonalar manzili:
Alisher Navoiy ko'chasi 30-uy.

● Internet va xorijiy
matbuot vositalari asosida
tayyorlandi.